

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР БАДИЙ ИЖОДИЁТ
МАРКАЗИ

**“ЗАРГАРЛИК” ТЎГАРАГИ
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ**

ТОШКЕНТ-2013

Муаллиф:

А.Ғаниев - “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази “Заргарлик” түгараги раҳбари.

Р.Машарипова – “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази услубчиси

Тақризчилар:

Ш.Маҳкамов - А.Набиев номли касб-хунар коллежи “Заргарлик” бўлими ўқитувчиси.

Н.Шомансурова - “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

А.Шобобоев - “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази “Заргарлик” түгараги раҳбари

Ушбу қўлланма Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 3 сентябрдаги 259-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Заргарлик” түгараги ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ушбу қўлланма “Баркамол авлод” болалар марказлари, умумтаълим мактаблари, меҳрибонлик уйлари ва маҳаллалар қошида ташкил этилган “Заргарлик” тўгарак раҳбарлари учун тавсия этилди.

Республика Таълим маркази ҳузуридаги “Маънавий-маърифий” йўналишидаги Илмий методик кенгашнинг 2013 йил 13 августдаги навбатдан ташқари 6-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

“Заргарлик” тўгарагининг биринчи ўқув йилига мўлжалланган ўқув қўлланмаси

1. Кириш.

Ўзбекистонда заргарлик санъати анъаналари қадимдан мавжуд. Уста заргарлар асрлар мобайнида яратган ноёб заргарлик буюмлари сўзсиз маданиятимизнинг олтин хазинасини ташкил этади. XX асрнинг иккинчи ярмида заргарлик хунари саноат ишлаб чиқариш тизимига ўтди. Бу эса заргарлик буюмларининг бир хил қолипга ва андозага тушишига, безакларнинг анъанавий шакллари йўқолиб, истеъмолдан чиқарилишига, баъзи ишлаш усууларидан воз кечишга олиб келди. Халқ усталари қимматбаҳо маъданлар билан ишлаш имкониятларидан маҳрум бўлиб, узоқ вақт мелхиор билан ишлашларига тўғри келди.

Сўнгги ўн йиллар ичидаги маданий анъаналарнинг тикланиши самараси ўлароқ, усталарнинг ижодий фаолияти янги поғоналарга кўтарилди. Унутилган буюмлар шакли тикланмоқда, қимматбаҳо маъданлар, авваломбор кумуш билан ишлаш имконияти пайдо бўлди.


Ҳар бир ҳунарнинг келиб чиқиши ва ривожланиш даврининг ўз тарихи бўлганидек, заргарлик ҳунарининг ҳам тарихи бўлиб, у узоқ ўтмишга бориб тақалади. Дарҳақиқат турли йўналишдаги ҳунарларнинг келиб чиқиши ёки инсонларнинг орасида пайдо бўлиб, тез тарқалишининг асосий сабаблари одамлар, қабилалар ва ҳалқларнинг кундалик турмушида вужудга келган эҳтиёжларни қондириб яшаганликлариdir.

Жумладан, темирчиликда қурол-яроғ ва дехқончилик анжомларини тайёрлаш учун, косибчилик тоғу тошлардан ва об-ҳавонинг иссиқ ҳамда совук кунларидан сақланиш учун, кулолчилик эса, уй рўзгор учун керак бўладиган идиш-товоқларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун бу касб турлари пайдо бўла бошлаган. Вақт ўтиши билан яшаш шароитининг яхшиланиши натижасида халқ амалий санъати турлари пайдо бўла бошлаган. Бошқа ҳунарлардан четда қолмаган ҳолда зеб-зийнат санъати бўлмиш заргарлик санъати ҳам ривожлана бошлади.

Заргарлик санъати жуда қадими тарихга эга. Унга инсоният ерда яшашни бошлаган даврдаёқ асос солинган. Қадимда инсонлар ёлғиз кун кечиришлари оқибатида ёввойи ҳайвонларга ем бўлишлари ҳамда қабилалар томонидан ўлжа қилиниб кетишлари хавфи бўлганлиги сабабли инсонлар жамоа, қабила бўлиб, биргаликда яшашга мажбур бўлганлар. Табиийки қабила аҳолиларини бирлаштириб туриш ва бошқариш учун қабила бошлиқларини сайлаш муҳим ҳисобланган. Ўз ораларидан танлаб олиниб, сайланган қабила бошлиқларини бошқа инсонлардан ажралиб туришлари учун уларнинг бошларига, бўйинларига, оёқ- қўлларига суюклардан, ёғоч ва тошлардан ҳамда қушларнинг патларидан ясалган безаклар тайёрлаб берилган.

Қабила бошлиқларининг аёлларига эса ўз-ўзидан уларга ҳам бошқа аёллардан ажралиб туришлари учун тақинчоқлар тайёрлаб берилган.

Шундан сўнг бу безакларни тайёрлаб чиқадиган усталар етишиб чиқа бошлаган. Биз уларни заргарлар деб, атасак ҳам бўлади.



Тошкентлик заргар Т.Юнусов.

Заргарлик санъатида турли хил тақинчоқлар тайёрлаш усуллари пайдо бўлиб турган бир вақтда, бу хунар сирларини эгаллаш ва катта эътиборни, меҳрни, сабрни ва заргар уста томонидан изланишни талаб қиласди.

Эрамизгача бўлган I-асрдан бошлаб, эрамизнинг VII-асригача Айритом, Афросиёб, Далварзинтепа, Холгаён, Болаликтепада чиройли ҳайкаллар, девор безаклари орқали заргарлик санъати ривожланганлигини кўриш мумкин. Тош асрининг сўнги даври неолитдаёқ (эрамизгача VI-IV-минг йилликларнинг охирларида) шилдироқ, мунчоқлар, ҳар хил тошлар ҳамда суюклардан ясалган безаклар топилган. Бу эса заргарликнинг ривожланганидан далолат беради. Икки дарё оралиғида жойлашган Юнонистонда ажойиб ва қимматбаҳо заргарлик буюмлари ишланган. Мис даврида зирак, балдоқ, билакузук, шилдироқ ва бошқалар, металлдан, хаттоки олтиндан ишланадиган бўлди.

Хоразмдаги Тупроққалъя деворларидағи тасвиirlардан ўша даврлардаги аёллар қулоқларига нафис зирак таққанликлари маълум бўлаган. Булардан ташқари бронздан қўйиб ишланган бир қанча осма тақинчоқлар ҳам топилган.

Бу осма тақинчоқлар I-IV асрларга мансуб бўлиб Хоразмнинг Аёзқалъа, Етти асар, Бургутқалъа ва бошқа жойларидан топилган.

IV-V-асрларда ишланган заргарлик буюмлари тош, шиша, пасталардан қилинган. Масалан: Хоразмда шишадан қилинган шер ва қурбақа шаклидаги мунчоқлар топилган. XIX-аср ва XX-аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари ўртасида заргарлик тез суръат билан ривожланади. Кўпгина шаҳарларда, масалан, Хива, Бухоро, Кўқон, Самарқанд, Қарши, Шахрисабз, Тошкент, Андижон, Ургенч, Нурота, Китоб, Чуст, Асака, Ғиждувон, Марғилон ва бошқа жойларда уста заргарлар бўлиб, улар маҳсус маҳалла-маҳалла бўлиб яшаганлар.

Ўзбекистонда анъанавий заргарлик бўйича учта кучли мактаб мавжуд. Биринча мактабга мансуб Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида халқона йўналиш аниқ равshan кўринади. Иккинчи мактабга кирадиган Самарқанд, Бухоро, Тошкент йўналиши шаҳар аҳолисининг диди, эстетикаси, эҳтиёjlари талабларидан келиб чиқсан ҳолда ривож топган. Ниҳоят бутунлай ўзига хос бўлган Хоразм мактаби мавжуд.

Заргар усталаримиз бугунги кунда ҳам ўз санъатларини ривожлантириб, заргарликнинг энг яхши қадимий анъаналари ва бой тажрибаларидан самарали фойдаланиб келмоқдалар.

Ота – боболаримиздан қолган, сақланиб келаётган урф-одатлар, миллий қадриятларимизни бизгача етиб келишида албатта турли хил манбалар, китоблар, турли ҳил видео тасмалар, кино, журнал ва ҳлар орқали биз ўтмишимиз хақида билимларга эга бўлиб келмоқдамиз. Ҳозирги кунда фан техника жадал ривожланаётган вақтда барча ёшларимиз ўз билимини янада бойитишда янги ва замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Ҳозирги кунда жамиятимизга медиамаданият, медиамаҳсулот, медиаматн каби янги луғат кириб келди. **Медиа** - телвидение, радио, киноматограф, оммавий нашрлар (газета, журнал) компьютер ахборот тизимлари пайдо бўлди.

Заргарлик буюмларини тайёрлашдаги барча жараёнларда ишлатиладиган асбоб-ускуналар аввало ишга яроқлилиги, иш жойида тахтлиги ва улардан фойдаланиш маҳорати бўлиши зарур. Асбоб-ускуналардан фойдаланишда албатта устадан эҳтиёткорликни, яни техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни билиши ҳам лозим. Аксар темир-пўлатлардан тайёрланган асбоб-ускуналарни эҳтиёлашлари, намлиқдан сақлаши, улардан ўзларига хос иш жараёнларида фойдаланиши керак бўлади. Чунки асбоб-ускуналарнинг соз бўлиши ва ишга яроқли бўлиши заргарлик буюмларини сифатли тайёрлашда катта аҳамиятга эгадир. Ижодкор заргар усталар янги-янги ижодий намуналарни тайёрлаш учун керакли асбоб-ускуналарни техник вазифаларига қараб тайёрлаб оладилар. Демак кундан-кунга ривожланиб келаётган заргарлик ҳунаридаги ўйлаб топилаётган янги-янги намуналар учун маҳсус асбоб-ускуналар ҳам тайёрланар экан. Заргарликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар хақида батафсил маълумотларни “Заргарлик сирлари”, “Заргарлик иши ва кимё”, “Қўлда тайёрланадиган заргарлик безаклари ҳақида номли китоблардан олишингиз мумкин.

Медиа – маънавий маҳсулотларнинг виртуал бозори. Бу бозорда ҳеч ким “молим ёмон”, демайди. Бузгунчилар, жиноятчи, жоҳиллар ҳам ўз маҳсулотини “энг яхши” дейди. Унда бунёдкорлик, тараққиёт учун зарур манбалар ҳам кўп. Гап одамнинг ана шу виртуал бозарда таклиф этилаётган маҳсулотларни ҳарид қилишда адашмаслигида - “медиамаданиятда”.

Йигит қизларимиз, интернет орқали медиа матнларни ўқиётган тамоша қилаётганларида уларни қабул қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш; медиамаҳсулотларнинг ижтимоий маънавий, мафкуравий, маданий контекстини тушунишлари керак. бу эса одамнинг медиамаданияти қандайлиги билан боғлик.

Бироқ ёлғонни хақиқаидан ажратиш, қаршисида турган, ёки интернет матнидаги яширин қабих ниятни таниш осон эмас. Чунки баъзилар зийрак, баъзилар содда.

Шундай экан ёшлар- медиамаҳсулотларни энг кўп “еб-ичадиган” сегмент. Демак ҳар бир замонавий йигит қиз медиа бозорнинг “ичи”ни билиб ўсишлари керак. бунинг учун эса биз катталар буни назорат қилмоғимиз, ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатмоғимиз лозим.

2. Заргарликда фойдаланиладиган иш қуроллари.

Заргарлик иш қуроллари. Иш қуролларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари.

Эгов, омбир, лобзик, қайчи, қуйиш аравачаси, ҳар-хил турдаги кўз маҳкамлагичлар ва бошқалар бўйича тушунча бериш. Тўғарак аъзолари оқ халатда бўлишлари ва ўқувчилар кавшарлаш аппаратида ишлаётганда оловдан тўғри фойдаланишлари, кавшарлаш аппаратида ишлаётганда титан пинсетда эритиш кераклиги ҳақида тушунча берилади. Кавшарлашда ўтга чидамли ғиштлардан фойдаланиш кераклиги тушунтирилади.

Заргарлик буюмларини тайёрлаш учун - тайёрлаш услубларидан келиб чиқсан ҳолда хилма хил асбоб-ускуналардан фойдаланилади. Заргарлик буюмларини тайёрлаш услублари якка тартибда (кўл меҳнатида) ва кўплаб (сериялаб) ишлаб чиқариш тартибда бўлиб, ҳар бир иш жараёни учун маҳсус асбоб-ускуналар билан ишлов берилади. Якка тартибда тайёрланадиган услубдаги жараёнлар учун керакли бўлган асбоб-ускуналар билан танишиб чиқамиз;

Режалаш жараёнида:

1. Линейка. 2. Штангель циркуль. 3. 90° бурчакли металл чизғич. 4. Қалам ва ўчириғич. 5. Металл қаламча. 6. Микрометр. 7. Циркуль (бир учи қаламли ва икки учи игнали). 8. Ички ва ташқи оралиқларни ўлчовчи мослама.

Хомаки металл маҳсулотлардан пластинкалар ва узун симлар тайёрлаш жараёнида:

1. Вальцлар. 2. Прокаткалар. 3. Филлерлар.

Букиш ва тўғирлаш жараёнида:

1. Текисталлет ёғоч болғалар. 2. Темир болғачалар. 3. Ҳар хил шаклдаги металл ригеллар. 4. Ҳар хил шакллардаги металл сандончалар. 5. Кабошан


анкалар. 6. Конусли анкалар. 7. Плоско-губциклар ва круглогубциклар. 8. Вальцли прокаткалар. 9. Штамплар.

Қирқишиш ва эговлаш жараёнида:

1. Қайчи ва кусачкилар. 2. Лобзикли арралар. 3. Шаберлар. 4. Ўйиб гул соладиган штихеллар. 5. Ҳар хил шакллардаги эгов ва надфиллар 6. Кесувчи металл штамплар.

Эритиш, қўйиш ҳамда кавшарлаш жараёнларида:

1. Кавшарлаш мосламаси. 2. Металл пинцет ва зажимлар. 3. Ингустлар (металл ариқчали қолиплар). 4. Тигеллар (ўтга чидамли сопол чашкалар). 5. Қўйишда ишлатиладиган қўлбола аравачалар. 6. Муфель печлар. 7. Флюс ва кислоталар.



Заргарликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар

Пардозлаш ва сайқаллаш жараёnlарида:

1. Гальваник пардозлаш мосламаси. 2. Электр зарядли пардозлаш мосламаси. 3. Механик пардозлаш мосламаси. 4. Сайқаллаш учун прессланган наматлар ва ипли синтетик толали круглар. 5. Гои пастаси.

Кўзлар ва тошларни бостириш, маҳкамлаш жараёнида:

1. Давчиклар. 2. Накаткалар. 3. Корневерткалар. 4. Плоскогубцик-лар. 5. Штихеллар. б. Болғачалар.

Ёрдамчи материаллар:

Кислоталар.

Азот кислотаси (HNO_3) - рангиз суюқлик бўлиб, очиқ ҳавода маълум миқдорда буғланади. Зичлиги 1,5 г/см³, қайнаш ҳарорати 83,8°C-42°C ҳажмда тиник кристалл массага айланади. Сув билан аралашади. Азот кислотаси кучли кислоталар туркумига киради. Деярли ҳамма металларга (олтин, платина ва баъзи нодир металлардан ташқари) таъсир этиб, асллик даражасини аниқловчи реактивлар учун ҳамда қимматбаҳо металларни (кумушдан ташқари) тозалаш мақсадида қўлланилади.

Сульфат кислотаси (H_2SO_4) - рангиз, ёғсимон суюқлик. Зичлиги 1,84 г/см³, қайнаш ҳарорати 338°C, 10,4°C ҳажмда қаттиқ кристалл массага айланади. Сувда эриш жараёнида, ўзидан катта миқдорда иссиқлик ажратади. Сульфат кислотаси қиздирилганда унда деярли ҳамма металлар (олтин, платина ва баъзи платина гуруҳидаги металлардан ташқари) эрийди.

Хлорид кислотаси (HC_1) - хлорли водороднинг сувдаги эритмаси бўлиб, кучли ҳидга эга бўлган рангиз суюқлик. Очиқ ҳавода буғланади. Концентрацияланган оддий кислотанинг зичлиги 1,19 г/см³, унинг таркибида 37 % HC_1 бор. Техник мақсадларда қўлланиладиган кислотанинг ранги сарғиш бўлиб, таркибида 27,5 % HC_1 бўлади. Хлорид кислотаси сувда яхши эрийди, турли металлар билан енгил реакцияга киришиб, туз ва водород ажратилишига сабаб бўлади. Оқловчи ва асллик даражасини аниқловчи реактивлар тайёрлаш мақсадида қўлланилади.

Бор кислотаси (H_3BO_2) - кристалл қўринишидаги оқ жисм, энг бўш кислоталар туркумига киради. Зичлиги 1,4-1,5 г/см³. Иссиқ сувда енгил эрийди, лекин совиши билан кристалланади, чунки совуқ сувда жуда кам эрийди. Қиздириш натижасида бор кислотаси таркибидаги сув йўқолади ва у метабор (HBO_2), сўнгра тетрабор ($\text{H}_2\text{B}_4\text{O}_7$) кислотасига, якунида эса бор ангидридга (B_2O_2) айланади. Қимматбаҳо металларни кавшарлашда флюс тайёрлаш учун қўлланилади.

Тузлар

Бура ($\text{H}_2\text{B}_4\text{O}_7\cdot10\text{H}_2\text{O}$) - тетрабор кислотасининг натрийли тузи. Тиник, рангиз кристаллардан ташкил топади. Кукун қўринишида бор кислотасига ўхшаш, лекин анча майин. Зичлиги 1,7-1,8 г/см³ 450°C гача қиздирилса унинг кристалидаги сув йўқолади, ҳарорат 741 °C га етганда эса эриб, шишиасимон масса ҳосил этади. Эриган бура металл оксидларини эритиш хусусиятига эга.

Бу хусусиятдан металларни эритиши ва кавшарлашда кенг фойдаланилади. Бура барча металларни кавшарлашда мустақил ёки флюснинг асосий ташкил этувчиси сифатида кенг қўлланилади. Бурадан қоралаш бўтқаси тайёрлашда ҳам фойдаланилади.

Хлорли натрий ёки ош тузи (NaCl) - хлорид кислотаси, ўювчи натрий ва сода ишлаб чиқаришда асосий хлор манбайи бўлиб хизмат қиласи. Зичлиги 2,16 г/см³, эриш ҳарорати 800°C. Сувда яхши эрийди. Хлорли натрий кимёвий заргарлик маҳсулотларини юзларида муҳофазаловчи қатлам ҳосил этиш мақсадида ишлатилиади.

Натрий карбонати ёки сода (Na_2CO_3) - тошкўмир кислотасининг тузи. Сувда яхши эрийди. Аммиаклаб олинган соданинг таркибида кристаллик суви бўлмайди ва кальцийланган сода деб аталади. Зичлиги 2,5 г/см³ эриш ҳарорати 851°C. Заргарлик саноатида кальцийланган сода бор сепиладиган деталларни ёғизлантириш мақсадида ҳамда ювиш воситаси сифатида қўлланилади.

Натрийли (NaNO_3) ва **калийли** (KNO_3) селитралар - азот кислотасининг тузи. Рангиз кристаллардан иборат. NaNO_3 зичлиги 2,25 г/см³ эриш ҳарорати 308°C. KNO_3 зичлиги 2,16 г/см³; эриш ҳарорати 334°C. Иккала селитра ҳам сувда яхши эрийди. Олтин, кумуш ва уларнинг қотишмаларини эриш ҳароратида селитралар қўйиндишади билан бирекиб, уларни оксидга айлантиради. Қотишмаларни тозалашда селитралар асосий флюс таркибида қолланилади.

Ўтга чидамли материаллар

Заргарликда қўлланидиган юқори ҳарорат муҳитида ишлаш учун мўлжалланган материаллар ҳам ёрдамчи материаллар ҳисобланади. Булардан:

Асбест - асбестнинг ишлаш ҳарорати 600-800°C оралиғида. Асбест 1500°C ҳажмда эрийди. Асбест қиздириш қурилмаларида муҳофазаловчи тўсик учун ўтга чидамли лой ва кавшарлаш тагликларини тайёрлашда қўлланилади. Заргарликда кавшарлаш ҳамда эритиши ишлари бажаришда тигелни ўраш учун кенг қўлланилади.

Кварцли шиша - эритишиб қуйилган кварц. Таркибида 90% дан ортиқ SiO_2 бор. Жуда зич ва иссиққа чидамли. 1100°C дан юқорида ёрилиши ва уваланиши мумкин. Ҳеч қандай қуйқа уни емира олмайди. Кварцдан тайёрланган идишлар оқартириш ишларини бажаришда қўлланилади.

Ўтга чидамли тупроқ - мураккаб кимёвий таркибга эга. Унга кислота ва ишқорларнинг таъсири сезиларли. Ўтга чидамли қатламлар ва тигель тайёрлашда боғловчи сифатида қўлланилади. Олтин ва кумуш эритиши учун қўлланидиган тигель материаллари; ўтга чидамли тупроқ, шамот, каолин ва графит 5,0:2,5:1,3:1,2 нисбатда тайёрланади.

Каолин - оқ рангдаги кукун. Ўтга чидамлилиги 1800-1900°C кислота ва ишқорларга таъсирчан.

Шамот- қуидирилган тупроқ ёки каолин. Ўтга чидамлилиги 1850-1770°C оралиғида, зичлиги 2,54-2,62 г/см³. Металл оксидларини сингдириш қобилиятига эга. Кўпгина тигелларни тайёрлашда асосий тўлдирувчи, ўтга

чидамли материал ҳисобида қўлланилади. Платина, олтин ва кумуш қотишмаларини эритиш учун қўлланиладиган тигеллар шамот ва кукун кўринишидаги тупроқдан 1,5:1,0 нисбатда тайёрланади.

Заргарликда ишлатиладиган тошлар

Қимматбаҳо тошлар ва уларнинг қотишмалари

Олтин (Au) - жилоланганда чиройли сариқ рангда товланади. Жуда юмшоқ болғланувчан пластик ва чўзилувчан металл. Зичлиги $19,32\text{г}/\text{см}^3$. Эриш ҳарорати 1064°C . Заргарликда тоза олтин билан қимматбаҳо қотишмаларнинг асосий таркиби сифатида қўлланилади.

Олтин қотишмалари. Олтин қотишмаларининг таркибида легирловчи (металлар хусусиятини ўзгартирувчи) қўшимча сифатида кумуш, мис, палладий, никел, платина, кадмий ва рух қўшилади. Ҳар бир қўшимча қотишманинг хоссасини турли хилда ўзгартиради.

Кумуш олтин қотишмасининг таркибида юмшоқлик ва боғланувчанликни сақлаб эриш ҳароратини пасайтиради.

Кумуш ортиши натижасида қотишма яшилсимон сўнgra сарғиши-яшил ва кумушнинг миқдори 30 % дан ошгандан сўнг сарғиши-оқ рангга киради.

Мис олтин қотишмасининг қаттиқлигини оширади боғланувчанлик ва чўзилувчанликни сақлайди қотишмада мис миқдорининг ортиб бориши унинг рангини қизартиради миқдори 14.6 % га етганда қотишманинг ранги тиник қизил тусга киради. Лекин миснинг ортиб бориши қотишманинг коррозияга (занглаш) чидамлилик хусусиятини камайтиради.

Палладий қўшилиши натижасида. Унинг эриш ҳарорати ортади ва ранги кескин ўзгаради. Таркибида 10 % палладий бор қотишма оқ рангга бурканади. Унинг пластиклик ва боғланувчанлиги сақланади.

Никел қотишманинг рангини оқиши-сариқ тусга айлантиради. Боғланувчанлик сақланади. Қаттиқлик ва қуймакорлик хусусияти ортади. Никель қўшилишининг салбий томони унинг миқдори кўпайиши билан қотишмада магнитланиш хусусияти пайдо бўлиши мумкин.

Олтинга **платинанинг** қўшилиши натижасида палладийга нисбатан эртароқ қотишма оқ рангга айланади. Қотишмада 8.4% платина иштироки натижасида ундаги сарғиши тус йўқолади. Қотишманинг эриш ҳарорати кескин кўтарилади. Платинанинг миқдори 20% гача етганда қотишманинг эластик хусусияти кўтарилади.

Кадмийнинг иштироки эриш ҳароратини пасайтиради ва кўкимтири тус ҳосил этади унинг боғланувчанлиги ва эластиклиги сақланади.

Рух 0.3% қўшилиши натижасида унинг мўртлиги ортади. Рухнинг иштироки қотишманинг қаттиқлигини оширади рангини оқартиради оқувчанликни ортиради ва эриш ҳароратини (кадмийдан ҳам кучлироқ) пасайтиради.

Кумуш (Ag) – оқ рандаги металл, ўта чўзилувчан пластик ва боғланувчан бўлиб юмшоқлиги бўйича кумуш олтин ва миснинг оралиғида жойлашган. Кумушнинг зичлиги $10,5\text{г}/\text{см}^3$, эриш ҳарорати $960,8^\circ\text{C}$. Кумуш кавшарларни тайёрлашда кенг фойдаланилади.

Кумуш қотишишмалари. Заргарликда қўлланиладиган кумуш қотишишмаларига фақатгина бир қўшимча яъни мис қўшилади. Мис қотишишманинг қаттиқлигини оширади, пластиклик, боғланувчанлик ва чўзилувчанлик хусусиятлари ўзгармасдан қолади.

Платина (Pt) – оғир, кулранг-оқ, металл, жуда чўзилувчан, етарли даражада боғланувчан, лекин қаттиқлиги олтин ва кумушдан анча юқори. Платинанинг зичлиги $21,45\text{г}/\text{см}^3$, эриш ҳарорати 1769°C . Юқори физикавий-кимёвий хусусиятларга эга бўлган платина кимёвий, приборсозлик, авиасозлик саноатларида кенг қўлланилади. Заргарчиликда эса асллик даражаси юқори бўлган платина қотишишмаларини тайёрлаш учун қўлланилади.

Платина қотишишмалари. Платинага 5 % мис қўшилганда қотишишманинг эриш ҳарорати камаяди, юмшоқлиги, чўзилувчанлиги ва пластиклиги сақланади.

Палладий (Pd) – кумуш-оқ рангдаги металл, юмшоқ ва боғланувчан, юпқа ҳолатгача жўваланиши ва ингичка сим кўринишигача тортилиши мумкин. Палладийнинг зичлиги $11,97\text{г}/\text{см}^3$, эриш ҳарорати 1552°C .

Заргарлик саноатида баъзи тақинчоқларнинг қотишишмаларини тайёрлаш учун, оқ тилланинг таркибига ҳамда асллик даражаси паст бўлган олтин қотишишмаларининг коррозиясига бардошлилигини ошириш мақсадида қўлланилади.

Рангдор metallar va ularning қотишишмалари

Мис (Cu) – ранги қизғиши металл бўлиб, юқори пластиклик, оқувчанлик хусусиятига эга. Миснинг зичлиги $8,96 \text{ г}/\text{см}^3$, эриш ҳарорати 1083°C , иссиқлик ва электр ўтказувчанлик хоссаси яхши. Мис очик ҳавода оксидланади. Мис азот кислотасида ва сульфат кислотасининг эритмасида, ҳарорат ортиши енгил эрийди. Бадиий ишлаб чиқаришда мис зарб этиш, филигран, эмалланадиган маҳсулотларда қўлланилади. Заргарлик саноатида эса қимматбаҳо қотишишмаларни легирлаш учун кенг фойдаланилади. Миснинг қотишишмаларига, жез, бронза, мельхиор, нейзильбер киради.

Жез – мис-рух қотишишмаси бўлиб, рухнинг миқдори 45 % гача бўлади. Зичлиги $8,2\text{-}8,6 \text{ г}/\text{см}^3$, эриш ҳарорати 1045°C . Уларда турли арzon тақинчоқлар тайёрлашда кенг қўлланилади.

Бронза – мис ва қалай қотишишмаси бўлиб, қалайнинг миқдори 3-12 % оралиғида бўлади, қалайли бронзалардан ташқари алюминли, кремнийли, брейллийли, кадмийли бронзалар ҳам мавжуд. Бронзанинг зичлиги $7,5\text{-}8,8 \text{ г}/\text{см}^3$, эриш ҳарорати $1010\text{-}1140^\circ\text{C}$.

Мельхиор – мис-никель қотишишмаси бўлиб, таркибида 18-20 % оралиғида никел бўлади. Коррозияга мустаҳкамлиги юқори. Мельхиорнинг зичлиги $8,9 \text{ г}/\text{см}^3$ атрофида, эриш ҳарорати 1170°C . Мельхиорнинг хусусиятларига ўхшашибўлганлиги сабабли, мельхиордан катта миқдорда ошхона анжомлари ва арzon тақинчоқлар тайёрланади.

Нейзильбер – мис асосидаги уч қўшимчали қотишишма бўлиб, таркибида мисдан ташқари 13,5-16,5 % никель ва 18-20 % рух бўлади. Коррозияга

чидамли. Зичлиги $8,4 \text{ г/см}^3$, эриш ҳарорати 1050°C . Мельхиор сингари, нейзильбер ҳам ошхона анжомлари, арzon тақинчоқлар ва филигранли буюмлар учун кенг миқдорда қўлланилади.

Рух (Zn) – зангори оқ рангли металл, жуда мўрт, $100-150^\circ\text{C}$ қиздирилганда пластик ҳолатга ўтади, енгил жўваланади ва чўзилади, зичлиги $7,13 \text{ г/см}^3$, эриш ҳарорати $419,5^\circ\text{C}$. Рух қимматбаҳо қотишмаларнинг асосан кавшар ва баъзан эса оқ тилланинг таркибиغا қўшилади.

Кадмий (Cd) – оқ рангдаги металл, боғланувчан, қовушқоқ, руҳдан юмшоқ. Зичлиги $8,65 \text{ г/см}^3$, эриш ҳарорати $320,9^\circ\text{C}$. Бу металл қиздирилса, у алангаланади ва куюқ тутун чиқаради. Кадмийнинг буғлари ва тузлари жуда заҳарлидир. Кадмий заргарчилик кавшарларини ҳамда тиш қопламалари учун коррозияга чидамли қотишмаларни тайёрлашда кенг қўлланилади.

Никель (Ni) – кумушсимон оқ рангдаги металл, қаттиқ, мустаҳкам, пластик ва коррозияга чидамлилиги юқори бўлиб, унга енгил ишлов бериш мумкин. Зичлиги $8,90 \text{ г/см}^3$, эриш ҳарорати 1453°C .

3. Заргарлик санъати ва ҳозирги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган заргарлик буюмлари.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган заргарлик буюмлари. Ўзбекистонда ҳозирги кунда мураккаб ва содда турдаги узук ва зиракларнинг турлари ҳақида, мураккаб узуклар, Европа занжирлари ва билакузуклар бўйича тушунча берилади.



4. Марказий Осиёдаги қадимги тарихий заргарлик буюмлари ва уларнинг ҳозирги кундаги заргарлик буюмларидан фарқи.

Марказий Осиёдаги қадимги тарихий заргарлик буюмлари. Уларнинг ҳозирги кундаги заргарлик буюмларидан фарқланиши.

IV-V-асрларда ишланган заргарлик буюмлари тош, шиша, пасталардан қилинган. Масалан: Хоразмда шишадан қилинган шер ва қурбақа шаклидаги мунчоқлар топилган. XIX-аср ва XX-аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари ўртасида заргарлик тез суръат билан ривожланади. Кўпгина шаҳарларда, масалан, Хива, Бухоро, Кўқон, Самарқанд, Қарши, Шахрисабз, Тошкент, Андижон, Ургенч, Нурота, Китоб, Чуст, Асака, Фиждувон, Марғилон ва бошқа жойларда уста заргарлар бўлиб, улар маҳсус маҳалла-маҳалла бўлиб яшаганлар.

Заргар усталаримиз бугунги кунда ҳам ўз санъатларини ривожлантириб, заргарликнинг энг яхши қадимий анъаналари ва бой тажрибаларидан самарали фойдаланиб келмоқдалар.

5. Режалаштириш ишлари ва заргарлик иш қуролларидан тўғри фойдаланиш.

Заргарликда режалаш жараёни. Барча ишларнинг боши режа асосида тузилганидек, заргарлик ҳунарида ҳам режалаш иши бўлиб, у ўзига хос тарзда бажарилади.

Заргарлик ҳунарида режалаш жараёни маҳсус режалаш асбоб-ускуна мосламаларда уч хил босқичда амалга оширилади. Буюм ёки эскизнинг бўлиши, яъни тайёрланishiга асос бўладиган буюмнинг намунаси ёки чизилган суратдаги эскизи бўлиши шарт. Буюм ёки эскизни ўлчамларини белгилаш, яъни тайёрланадиган буюмни қандай ўлчамда бўлиши ва ишлатиладиган хомакиларни ўлчамларини белгилаш. Белгиланган ўлчамларни металларга кўчириш, яъни эскизда белгиланган ўлчам чизмаларни тайёрланадиган буюм учун танланган хомакиларга кўчириб, ўлчамларини белгилаб, ажратиш керак бўлади. Демак, заргарлик ҳунарида режалаш жараёни қуидаги тартибда амалга оширилар экан:


1. Буюм ёки эскизни бўлиши.
2. Буюм ёки эскизни ўлчамларини белгилаш.
3. Белгиланган ўлчамларни металларга кўчириш.

Режалашда ишлатиладиган асбоб-ускуналарга:

1. Линейка.
2. Штангель циркуль
3. 90° бурчакли металл чизғич.
4. Қалам ва ўчиргич.
5. Металл қаламча.
6. Микрометр.
7. Циркуль.
8. Ички ва ташқи оралиқларни ўлчовчи мослама киради.

Бундай асбоб-ускуналар билан фойдаланилганда уларни талабга жавоб беришими текшириб, режалашни шошилмасдан амалга ошириш лозим. Агарда режалаш жараёни пухта бўлса, тайёрланадиган буюмнинг сифат даражаси юқори бўлишини таъминлайди. Демак, бор эътиборни режалаш жараёнига қаратиш шарт бўлади.

Режалашда ишлатиладиган асбоб-ускуналар



6. Заргарлик ҳунарига оид 10 хил турдаги чизмаларни чизишни ўргатиш.

Заргарлик санъатига зарур бўлган 10 хил турдаги чизмалар. Оддий доира, овал, олма шаклидаги чизмалар. Чизмаларни тўғри режалаштириб чизиш. Чегара ва уни чархлаш.

Заргарликни ўрганишдан олдин ўқувчилар кўзини ўргатиш, қўлини ишга мослаш учун, 10 хил турдаги чизмалар ўргатилади. Бу чизмалар кўринишидан мураккаб кўринсада оддий доира, авал, олма шаклидаги чизмаларни чизиб, сўнгра металларга ўтилади.



Заргарликда ишлатиладиган нақш элементлари.

7. 8. 9. Металлар билан ишлаш, уларга ишлов бериш. металларни эговлаш, лобзик ёрдамида арралаш.

Металлар билан ишлаш. Заргарлик буюмларини тайёрлашда ишлатиладиган металларнинг хусусиятларини ва таркибларини билиш, улардан қандай фойдаланиш кераклигини осонлаштиради. Металларни таркиби ва хусусиятларига қараб уларга ишлов бериш учун тайёрлаб олишни металлар билан ишлаш дейилади. Металлар билан ишлашда билиш керак бўлган қоидалардан асосийлари, металларга термик ишлов беришdir.

Термик ишлов бериш. Металларни қиздириб юмшатиш бўлиб уларни муфель печларда қиздириш яхши натижаларни беради. Чунки иссиқлик ҳар томонлама таъсир этиш билан бирга, ҳароратни тўлиқ бошқаради.

Оксидланишдан сақлаш. Агарда қотишмани қиздириш вақтида унинг юза қисмида оксидланиш рўй берадиган бўлса, ундан сақланиш йўлларидан бири катта бўлмаган хомакиларни қиздириш муфелли печларда хомаки металларни бура эритмасини сувга қоплаб ёки бура пудраси билан копланиб қиздириш жараёни олиб борилади. Бунинг учун хомаки металлар флюсланиб,

бор кислотаси билан упаланади ва муфелли печга жойланади. Бунда қотишма фақатгина оксидланишдан сақланмай ҳатто ўз жилосини ҳам йўқотмайди.

Тоблаш. Тоблашнинг бўшатишдан фарқи шундаки, бу ерда қиздирилган хомаки жуда тез совутилади. Энг оддий совитиш мухити сифатида сувдан фойдаланилади. Лекин металл кескин совутилиши натижасида ҳар хил ёриқлар келиб чиқишига олиб келади. Хомаки металларни спиртда совутиш сувга нисбатан совитиш жараёнини анча юмшоқ ўтишини таъминлайди. Чунки спирт юза қатламида муҳофазаловчи парда ҳосил этиб, кескин совиб, ёриқлар пайдо бўлишидан ҳамда ҳароратий кучланишдан сақлайди ва Металл юзасини тозлайди. Ҳажми катта бўлган хомаки металларни спиртда тоблаш ярамайди, чунки юқори ҳарорат натижасида спирт буғлари алангаланиши мумкин. Тоблаш учун кислоталарни қўллаш мутлақо ярамайди, чунки кислоталар хомаки металларнинг ичларига сингиб уларни емиради. Кўриб чиқилган қоида ва маслаҳатлар термик ишлов бериш жараёни бўлиб, бунда заргар уста заргарлик буюмларини тайёрлашдан олдинги қилинадиган ишларидан деб, билиши шарт бўлади. Демак, хомаки металларга термик ишлов бериш билан уларга безакли ишлов бериш учун тайёрлаб олинади.

Энди эса заргарлик буюмларини тайёрлашда металларга ишлов бериш қоидаларини ўрганиб чиқамиз. Металларга ишлов бериш, қуйидаги асбоб-ускуналардан тартиб билан фойдаланишга айтилади:

1. Қирқиши.
2. Эговлаш.
3. Пармалаш.
4. Лобзик ёрдамида арралаш.


Асбоб-ускуналардан фойдаланиб, металлардан заргарлик безакларини тайёрлашни тушунамиз. Металларга термик ишлов берилганидан сўнг, улардан жувалар ёрдамида ёки филлерлаш асносида металл пластинкалар ва металл симларнинг хомаки маҳсулотлари тайёрлаб олинади.

Хомаки металларни текислаб, юза қисмига керакли элементларни режалаб туширилади. Хомаки металл пластинка ва симлар устига чизилиб тушириладиган чизиқлар яққол кўриниб туриши керак. Металл қирқадиган қайчилар ёрдамида белгиланган чизиқларни сақлаб қолган ҳолда қирқилади. Қайчининг қирқилган қисмини доим эговлар ёрдамида чизиқларни сақлаган ҳолда эговланади. Хомаки металл пластинкалар юза қисмига ишлов беришда олдиндан режалаб олинган чизиқларни ёнидан пармаловчи мосламалар ёрдамида пармаланади.

Пармалаб очилган тешикларга лобзик арраларни ўтказиб чизиқларни сақлаган ҳолда арраланади. Демак, металларни вальц жўвалаш ва филлерлаш ёрдамида хомакилар тайёрлаб олингандан сўнг уларга қирқиши, эговлаш, пармалаш ва лобзик ёрдамида арралаш орқали ишлов берилади. Металларга санаб ўтилган асбоб-ускуналар ёрдамида ишлов беришда имкон қадар белгиланган ва режалаш ёрдамида чизилган чизиқларни сақлаб қолиш асосий қоидалардан бири бўлиши керак. Заргарлик буюмларини тайёрлашда металларга ишлов бериш тайёрланадиган безак қисмига қараб қўшимча асбоб-

ускуналардан фойдаланиш мумкин. Шунда ҳам белгиланган чизикларни сақлаб қолиши металларга ишлов беришнинг асосий қоидаларидан бири бўлиб қолаверади.

Металларга ишлов бериш



Металларни қиздириш, уларнинг эриш температуруларини билиш, қирқиши, эговлаш, пармалаш, лобзик ёрдамида арралаш, металлга термик

ишлов бериш ишларини эҳтиёткорлик билан амалга оширилади. Ўқувчиларда қуидаги кўникмалар ҳосил қилинади:

- эгов асбобидан металларни эговлашда тўғри фойдаланиш;
- металларни лобзик ёрдамида арралаш;
- металларни лобзик ёрдамида арралаётганда асосий чегара, яъни арралаш чизиғидан ўтмасдан ишлов бериш;
- вальсдан квадрат сим чиқариш, унинг учини эговлаб, термик ишлов бериш, филлердан 0,8 мм ли сим чиқариб тортиш ва уни қиздириб регелга ўраш, битта сим қолдириб қайчида кесиш ва пинсетда тўқиши;
- металларни эритиб қуиши;
- квадрат металл олиб қиздириш;
- валсдан чиқариш ва унга термик ишлов бериш;
- металларга режа асосида ишлов бериш, чиқарилган симларни қиздириб эговлаб филлердан тортиш;

10. Металларни букиш ва тўғрилаш.

Заргарлик буюмларини тайёрлашда букиш ва текислаш жараёни ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб бошқа тайёрллаш жариёнлари учун хомаки металларни ишга яроқлилигини таъминлаб беради. Букиш текислаш жараёни аниқ режа асосида амалга оширилиб бутун ишнинг тугалланиш вақтинача текширувда бўлади. Бу билан заргарлик буюмларини тайёрланиш сифати талабга жавоб бериши таъминланади. Букиш ва текислаш жараёни учун керак бўлган асбоб-ускуналардан ҳам моҳирона фойдаланиш устадан алоҳида билимни талаб этади. Чунки ҳар хил шаклда букилиши керак бўлган металлар учун керакли асбоб-ускунани танлай билиши ва текислашда асбоб-ускуналардан тўғри фойдалана билиши зарурдир. Ҳар бир жараён албатта кўпдан-кўп ва такорий машқлар билан устани малакасини оширишини унутманг.

Букиш жараёни. Металл қиздирилиб юмшатилади. Режага асосан букиб керакли шакллар вужудга келтирилади. Бу жараён қўл меҳнатида оддий мураккаб бўлмаган асбоб-ускуналар ҳамда катта мураккаб штампли мосламалар билан амалга оширилади. Букиш жараёнида маълум шаклдаги маҳсус тобланган металл сандонча ва турли шаклдаги текстолитли болғачалардан фойдаланилади. Металл пластинкани қалинлигига ҳам аҳамият берилиб, букишда пайдо бўладиган қийинчиликлар ҳам ўрганилади. Бундай қийинчиликларда (черновой) металлар ёрдамида бир неча машқларни амалга ошириб, кўллар ўргатиб олинади. Қўл меҳнатида металларни зарб билан уриб букилаётганда металлар юзасига шикаст еткизмаслик учун эҳтиёт чоралари кўрилиши шарт бўлади.

Текислаш жараёни. Металл қиздирилиб юмшатилади. Режалаш учун металл юзасини секин аста уриб текисланади. Текислаш жараёни нотекис, эгри ва қовариқ металл пластинка ёки металл симларни текислашни ўз ичига олади. Металл симларни текислаш учун уларни қиздириб икки учларидан плоскогубциклар ёрдамида текис тортиб ёки филлердан тортиб ўтказиш йўли билан текисласа бўлади. Металл пластинкаларни текис, силлиқ сандончалар

ёрдамида текстолетли болғаларда секин аста уриб ёки вальцли жўвалардан чиқариш билан текисланади. Албатда металл сандончалар юзаси жуда силлиқ текис бўлиши шарт. Чунки сандонча устига металл пластинкалар жойлаштириб, урилганда металл юзларига шикаст етмаслиги керак. Сандонча қирраларига тегиб турган металл пластинка юзларига ҳам урмаслик керак. Ундан ташқари сандончлар мустаҳкам қотирилган ҳолда бўлиши керак. Букиш ва текислаш жараёнларида техника хавфсизлик қоидаларига амал қилиш жуда муҳим ва зарур.

11. Металларни эритиш ва қуиши.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришда металларни эритиб қотишмалар тайёрлаш ва металларни эритиб қолиларга қуиб хомаки ломбилар ҳосил қилинишда эритиш ва ва қуиши жараёнидан кенг фойдаланилади. Якка тартбда эритиш ва қуиши учун маҳсус асбоб-ускуналаридан.

1. Кавшарлаш мосламаси.
2. Тигел чашка.
3. Ингуст қолип.
4. Ўтта чидамли ғишт.
5. Бура тузлари билан амалга оширилади.

Металл қотишма 5 дан 50 граммгача олинниб тигель чашкага жойлаштирилиб солинади. Кавшарлаш мосламасида металлга иссиқлик харорати билан таъсир ўтказилиб осон ва ҳар хил чиқиндилардан сақланган ҳолда эриши учун металл устига бура тузидан меъёрда сепилади. Эритиш жараёнида тигель чашка маҳсус мосламада ёки қисқичлар билан тутиб секин аста чайқатиб турилади. Ўтга чидамли ғишт устига керакли хомаки қолип учун танланган ингуст қолипни жойлаштирилиб металл қотмашма қуиладиган ариқ қисмига меъёрида техник мойдан суртилади.

Эритиб суюқ ҳолига келтирилган металл қотишмани ингуст қолипнинг ариқласига қуилиб хомаки ломбилар олинади. Заргарлик буюмларини янги ижодий намуналарини тайёрлаш на уларни кўплаб (сериялаб) ишлаб чиқаришда эритиш ва қуишининг яна бир йўналишидан ҳам кенг фойдаланилади. Бундай услубдаги эритиш ва қуиши учун қуидаги маҳсус асбоб-ускуналар ҳамда хом-ашёлар билан амалга оширилади:


1. Воск ёки ваксли форма қолилар.
2. Қопқоқли идишда сув (дистерли).
3. Маҳсус гипс.
4. Пинцет.
5. Қоришма учун қошиқ.
6. Қоришма учун сирли идиш (пиёла).
7. Апокалар.
8. Газета қофози.

Пиёла ичига керакли миқдорда гипсдан солиниб устидан оз-оздан сув қуилади ва қошиқ билан аралаштириб пиёла деворларига гипсда ҳосил бўлган

қуйқиндиарни ишқалаб қоришка тайёрлаб олинади. Гипсли қоришка ўта суюқ ва ута қуюқ бўлмаслиги керак.

Газета қоғозининг устига текис қуйилган апоканинг ичига гипсли қоришка қуйилади ва воскли формани марказидан солиб жойлаштирилади. Воскли формани найча қисми (литник) жойлашиш оралиғи 1 смдан 1,5 смгача ва тагининг форма билан бўлган оралиғи 0,5 смдан 1 смгача бўлиши шарт. Формовкалаш жараёнида эҳтиёткорлик ҳамда иш вақтидан унимли фойдаланишни талаб қилади. Апокаларни куёш ёки қуритиш мосламаларида қуритилиб қуиши учун маҳсус ариқча очилади. Муфель печларида қиздирилиб совутмасдан апокани қуиши аравачасига жойлаштирилиб ариқчасига металл қотишиша солинади ва эритилади. Қуиши аравачасини соат йўналишига қараб бир текисда айлантирилади. Апокани сувда совитиб ичидан қуйилган формани тозалаб олинади.

Эритиш ва қуиши



12. Кавшарлаш ишлари.

Заргарлик буюмларини тайёрлашда металларни бир-бирларига бириктириб, қотириш жараёнини кавшарлаш деб аталади. Хомаки металларни таркибидан енгил эрийдиган қотищмалар тайёрланиб, шу металларни бир-бирларига кавшарлаш учун ишлатилади. Бунга кўра кавшарлар тайёрланадиган металларга қараб танланади. Масалан, олтии қотищмали металларга, олтии қотищмасидан тайёрланган кавшарлар фойдаланилади. Кавшарлаш жараёнида, металларнинг яхши уланиши ва кавшарланаётган юзаларини оксидлардан тозалигини таъминлаш мақсадида флюс деб номланувчи кимёвий бирикмалардан фойдаланилади. Бир-бирига кавшарланадиган металл юзаларини зич ҳолда тегиб туриши шарт қилиниб, оралиқда ҳеч қандай бўшлиқ қолмаслиги керак.

Кавшарланадиган металларга бир хилда иссиқ ҳарорат билан таъсир ўтказилиб, бириккан марказга кавшарни эритиб тарқатилади. Албатта кавшарлаш жараёнида устадан моҳирлик ва сабрли бўлиш талаб этилади. Иссиқлик ҳароратини металларга таъсир ўтказишида алангани назорат қилиш керак. Кавшарлаш жараёни маҳсус кавшарлаш мосламаларидан фойдаланилади. Кавшарлаш мосламаси бензин ёки газ буғларини кучли босимда ҳайдаб, алангани сиқиб бошқарадиган горелка пистолетларга узатади. Кавшарлаш жараёнида ўтга чидамли бўлган тагликлардан ҳам кенг фойдаланилади. Юқорида биз кўриб чиқсан кавшарлаш жараёнидан билишимиз ва амал қилишимиз керак бўлган қоидаларни санаб ўтамиш:

1. Кавшарланадиган хомаки металларнинг оксидланишдан тоза бўлиши.
2. Кавшарланадиган металлар юзалари бир-бирига зич ҳолда бириктирилиши.
3. Флюслардан тўғри фойдаланиш.
4. Кавшарларни тўғри танлаш.
5. Кавшарланадиган металларга иссиқлик ҳароратини таъсирини тўғри бошқариш.

Санаб ўтилган қоидаларни биронтасига амал қилинмаса кавшарлаш жараёни амалга ошмай қолади. Кавшарлаш жараёнида устанинг моҳирлигини оширадиган услублардан, ажур симлар орқали тайёрланадиган филигран буюмлар билан ишлаш жараёнлариидир.

Кавшарлар тайёрлаш

Кавшарларни тайёрлаш учун уни қайси металл ва қандай эриш ҳароратда бўлиш кераклигини аниқлаб, белгилаб олинади. Ҳатто кавшарларнинг ҳам эриб тарқаган ҳолатидаги ранглари металлнинг ранги билан бир хилда бўлиши керак. Куйидаги кавшарларни тайёрлашда кўрсатилган жадваллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда Сиз 750 ҳамда 585 пробали олтин кавшарлари ва қотищмалари ҳакида батафсил маълумотга эга бўласиз.

750 пробали олтин кавшарлар

№ P/P	Таркиби % ҳисобида							Рангли	Эриш харорати
	Au	Ag	Cu	Cd	Zn	Pd	Ni		
1	75.0	3.0	10.0	12.0	-	-	-	САРИҚ	720-740
2	75.0	15.0	7.35	-	2.65	-	-		820-840
3	75.0	14.0	8.0	-	3.0	-	-		800-820
4	75.0	13.0	9.0	-	3.0	-	-		860-880
5	75.0	6.2	10.4	6.9	1.5	-	-		740-760
6	75.0	5.0	14.2	5.0	0.8	-	-		750-770
7	75.0	9.5	9.5	-	4.0	-	-		760-780
8	75.0	11.0- 13.0	-	-	-	12.0-14.0	-	ОҚ	900-1100
9	75.0	10.5	4.5	-	-	10.0	-		800-1000
10	75.0	9.0-13.0	4.0-6.0	-	-	8.0-10.0	-		800-1000
11	75.0	-	10.0	-	4.5	-	10.5		840-880
12	75.0	9.67	7.14	-	4.41	-	3.78		860-900
13	75.0	7.5	5.5	-	2.0	10.0	-		800-1000
14	75.0	7.0	6.0	-	8.0	-	4.0		780-820
15	75.0	5.5	5.5	-	4.0	10.0	-		800-1000

750 пробали олтин қотишмалар

№ P/P	Таркиби % ҳисобида							Рангли	Зичлиги ва суюқланиши
	Au	Ag	Cu	Pt	Pd	Ni	Zn		
1	75.0	4.0	21.0	-	-	-	-	Қизил	15.45 892.0-900
2	75.0	4.2	20.8	-	-	-	-	-//-	
3	75.0	4.8	20.2	-	-	-	-	-//-	
4	75.0	8.3	16.7	-	-	-	-	Қизғиш	
5	75.0	10.4	14.6	-	-	-	-	-//-	
6	75.0	12.5	12.5	-	-	-	-	Оч сарық	
7	75.0	15.0	10.0	-	-	-	-	Сарық	
8	75.0	18.75	6.0	-	-	-	-	Яшилроқ	
9	75.0	25.0	-	-	-	-	-	Яшил	
10	75.0	5.0	-	-	20.0	-	-	Оқ	
11	75.0	7.0	-	-	14.0	4.0	-	Оқ	
12	75.0	8.0	8.0	9.0	-	-	-	Оқ	
13	75.0	9.0	-	-	14.0	2.0	-	Оқ	
14	75.0	-	3.5	-	-	16.5	5.0	Оқ	
15	75.0	-	-	-	-	15.0	10.0	Оқ	
16	75.0	-	15.0	-	-	7.5	2.5	Оқ	

585 пробали олтин кавшарлар

№ P/P	Таркиби % ҳисобида							Рангли	Эриш ҳарорати
	Au	Ag	Cu	Cd	Zn	Pd	Ni		
1	58.5	18.0	15.0	8.7	-	-	-	Сарық	800-820
2	58.5	16.5	20.0	-	4.6	-	-	-/-	820-840
3	58.5	13.0	18.5	10.2	-	-	-	-/-	780-800
4	58.5	12.5	20.6	-	8.6	-	-	-/-	800-820
5	58.5	12.3	26.1	-	3.3	-	-	-/-	820-840
6	58.5	11.7	18.5	11.5	-	-	-	-/-	800-820
7	58.5	11.0	27.0	-	3.7	-	-	-/-	800-820
8	58.5	10.0	22.7	9.0	-	-	-	-/-	780-800
9	58.5	19.0	18.5	2.5	1.7	-	-	-/-	820-840
10	58.5	23.7-25.7	-	-	-	16.0-18.0	-	Оқ	1000-1100
11	58.5	28.7-31.7	-	-	-	10.0-13.0	-	-/-	900-1000
12	58.5	23.7-31.7	2.0-6.0	-	-	8.0-12.0	-	-/-	900-1000
13	58.5	-	23.5	-	6.0	-	13.2	-/-	850-900
14	58.5	26.2	7.5	-	2.0	6.0	-	-/-	900-1000
15	58.5	14.7	11.0	-	8.0	-	8.0	-/-	840-860
16	58.5	11.7	4.0	-	8.0	-	8.0	-/-	710-730

585 пробали олтин қотишмалар

№ P/P	Таркиби % ҳисобида							Рангли Зичлиги ва суюқланиши
	Au	Ag	Cu	Pt	Pd	Ni	Zn	
1	58.5	2.0	39.7	-	-	-	-	Түк қизил
2	58.5	4.2	37.5	-	-	-	-	-/-
3	58.5	8.0	33.7	-	-	-	-	Қизил 13.24 876-905
4	58.5	12.5	29.2	-	-	-	-	-/-
5	58.5	14.6	27.1	-	-	-	-	-/-
6	58.5	20.0	21.7	-	-	-	-	Қизғиши 13.60 829-847
7	58.5	21.7	20.0	-	-	-	-	Оч қизил
8	58.5	25.0	16.7	-	-	-	-	Яшилпроқ
9	58.5	30.0	11.7	-	-	-	-	Яшил 13.92 635-880
10	58.5	33.7	8.0	-	-	-	-	-/-
11	58.5	3.25	35.7	-	-	2.75	-	Пушти
12	58.5	-	35.45	-	-	6.25	-	-/-
13	58.5	-	24.67	-	-	17.03	-	Оч пушти
14	58.5	23.7	-	-	14.18	-	-	Оқ
15	58.5	-	23.5	-	-	12.2	6.0	

13. Заргарлик буюмларини тайёрлаш.

Сим чиқарувчи мослама, ёғоч болғача, думалоқ шаклга келтирувчи мослама, металларни тозалаш учун сулфат кислотасининг 50% ли сув билан эритмаси ва сандонда ишлаш қоидалари.


Узук ва зиракларнинг қолипини олиш ва кавшарлашнинг электр билан ишлайдиган асбобида улаш ва гипс ичига шамдан ясалган қолипга форма танлаб қуиши.

Буюмларни тайёрлашда 2,2 мм ли сим олиб, кавшарлаш аппаратида қиздирилиб, вальс (сим чиқарувчи мослама)да 1,8 мм қилиб пачоқлаб ва яна кавшарлаш аппаратида қиздирилиб, ригел (думалоқ шаклга келтирувчи мослама)га солиб текистолет (ёғоч болғача) билан уриб думалоқ ҳолатга келтириб, иккита учини текис қилиб эговлаб кавшарланади, одбел (металларни тозалаш учун сулфат кислотасининг 50%ли сув билан эритмасида) қилинади, ноковолни (сандон)га қўйилиб иккита чети эговланади ва ҳалқа ҳолатига келтирилади.

а) узук ва зиракларнинг қолипини олиб уни узор (кавшарлашнинг электр билан ишлайдиган асбоби)да улаб формовка (гипс ичига шамдан ясалган қолип) қилинади.

б) фармовка қилиш учун қолипга мос апок (форма танлаб олиш учун металлдан юмалоқ қилиб ясалган қолип) танланади ва формовка қилишдан олдин гипсни яхши қоришириб, апокка солингандан кейин қолипни гипсга тиқиб қўйиб, 2 соат давомида ботириб қўйилади.

Тиллақош



14. Кулонлар тайёрлаш.

1. Юрек шаклидаги кулонни тайёрлаш учун эритиб, күйилған металл ломбидан прокатка жүвада қалинлиги 1,2 мм, узунлиги 3,5 см, энига 2,5 см бўлган металл пластинкани чиқариб олинади. Пластинкани қиздириб, текислаб, юзасига юрак чизмаси чизилади. Лобзик ёрдамида юрак шакли қирқиб олинади ва эговлаб, ташки кирралари ярим думалоқ шаклига келтирилади. Ички кирралари борли мосламада ярим думалоқ шаклига келтирилади. Юрек шаклини икки ён томонларини кўзхона ўрнатиш учун қирқиб, эговлаб, жой очилади.

2. Кўзхонани қўйидаги кўринишда тайёрланиб, юрак шаклиниг икки ён томонларига жойлаштириб кавшарланади. Оқартирилади.

3. Халқачани диаметри 0,7 мм бўлган симдан тайёрлаб, юрак шаклини устки қисмига кавшарланади.

4. Қалинлиги 0,5 мм, узунлиги 2,4 см, энига 0,5 см бўлган металл пластинкадан илтак учун шаблон тайёрлаб букиб, халқачадан ўтказиб, кавшарлана-ди.

Режалаш.


1. Ариқча кўзхонали кулонни тайёрлаш учун қалинлиги 1,8 мм бўлган, узунлиги 2 см, энига 0,7 см бўлган металл пластинкани қиздириб, букиш мосламасида (анкада) букиб, ариқча шаклига келтирилади. Ён ва устки томонларини эговлаб текисланади.

2. Диаметри 0,7 мм бўлган металл симни диаметри 1,4 мм бўлган спица ригелга пружина қилиб ўралади. Пружиндан халқачани қирқиб олинади ва ариқчали кўзхонанинг устки қисмига кавшарланиб, оқартирилади. Кўзни кўзхонага маҳкамлаш учун махсус бор ёрдамида ўйиб, жой очилади.


3. Қалинлиги 0,6 мм, узунлиги 2,5 см, энига 0,5 см бўлган металл пластинкадан чизмадаги шакл тайёрлаб олинади, иккинчи қисмини қирқиб олиб, устки қисмига кавшарланади, букилади. ҳалқачадан ўтказиб кавшарланади. Оқартириб, пардозлаб, сайқалланади.

Керакли асбоб-ускуналар

Қоғоз, қалам, қайчи, чизгич ва штангель, вальц ва прокатка жўвалар, кавиарлаш мосламаси, эгов, филлер, спица ригеллар, плоскогубчик, пардозлаш мосламаси, гои паста ва ювии учун ишқорлар, бормашинка.



Юракча шаклидаги кулонлар тайёrlаш жараёни



15. Эркаклар никоҳ узугини тайёрлаш.

Никоҳ узуги тайёрлаш қоидалари.

Режалаш.

1. Эркаклар никоҳ узугини ярим думалоқ шаклида тайёрлаш учун 2×2 мм квадрат бўлган туртбурчак металл симни жўвалаб $1,6$ мм қалинликда пачоқлаймиз ва букиб доира шаклига келтирамиз. Учларини эговлаб бир-бирига туташтириб кавшарлаймиз.

2. Доира шаклида тўғирлаб ён томонларидан бошлаб эговлаймиз. Ярим думалоқ қилиб эговлаш учун бурчакларидан бошлаб юқори қисмига томон эговлаб ярим думалоқ қилинади.

Режалаш.

1. Эркаклар никоҳ узугини ясси бурчакли шаклида тайёрлаш учун 2×2 мм квадрат бўлган тўртбурчак металл симни жўвалаб $1,4$ мм қалинликда пачоқлаймиз ва букиб доира шаклига келтирамиз. Учларини эговлаб бир-бирига туташтириб кавшарлаймиз. Доира шаклида тўғирлаб икки ён томонини эговлаб текислаймиз.

Режалаш.

1. Эркаклар икоҳ узугини икки қаватли текис бурчак шаклида тайёрлаш учун $2,6 \times 2,6$ мм квадрат бўлган тўртбурчак металл симни жўвалаб $1,2$ мм қалинликда пачоқлаб узунлиги $6,3$ см ҳажмда қирқиб оламиз. Учларини эговлаб доира шаклида букамиз ва кавшарлаб оқартириб доира шаклини тўғирлаймиз.

2. Тўртбурчак металл симни $1,8 \times 1,8$ мм квадрат олиб, уни $0,6$ мм қалинликда пачоқлаб узунлиги $6,6$ см ҳажмда қирқилади. Учларини эговлаб доира шаклига келтириб букамиз ва қалинлиги $1,2$ мм бўлган доира шаклидаги металл лентамизга мослаштириб ўлчаб оламиз. Иккала доирамизни бирини бирининг устига кийдириб, марказлаштириб кавшарлаймиз. Оқартирамиз ва пардозлаймиз.

Керакли асбоб-ускуналар

Қозоз, қалам, штангель, чизгич, вальц ва прокатка жўвалар, текстолит болға, ригель, құйчи ва эгов, кавшарлай мосламаси, бура борный қоришимаси, пардозлаш мосламаси, гои паста ва ювии учун ишқорлар.

16. Аёллар никоҳ узуги ва кулонлар тайёрлаш

Никоҳ узуги ва кулон тайёрлаш асослари.

“Чарма” номли никоҳ узуги

1. Аёллар никоҳ узукларидан “Чарма” номли узукни тайёрлаш учун эритиб қуйилган металл ломбини жўвалаб, қалинлиги $0,6$ мм пластинка шаклида пачоқланади ва узунлиги 7 см, энига $2,2$ см ўлчамларда қирқиб олинади.

2. Металл пластинкани нозасига тўғри чизиклар билан чизиб, маркази белгилаб олинади. Пластанка учларидаги марказий чизикдан $0,5$ см ажратиб, пластинкамизни марказий қисмiga туташтириб чизилади, сўнг чизиклар бўйлаб қирқилади ва эговлаб текисланади.

3. Тайёр бўлган шаблонни чет қисмидан $0,7$ см жой ташлаб, икки томондан кабошон (сандонча) анкада уриб бўрттирилади. Уриб бўрттириш қоидаси металлни қиздириб, чизмада кўрсатилганидек 1-2-3-2-1 кетма-кетликда ўртacha зарб билан уриб чикилади.

4. Уриб бўрттирилган металл шаблонни қиздириб, учларини эговлаб, бир-бирига букиб туташтирилади. Туташган учлари бир-бирига кавшарланади. Оқартириб, узукни флюслаб қиздириб, ички доира шаклини болғалаб тўғирланади.

5. Узукнинг икки ён томонини эговлаш унинг тепа марказидан пастки қисмига қараб эговланади. Ён томонлари бир хилда эговлаб текисланади.

6. “Чарма” узугини устки безак қисмига кўзларни маҳкамлаш учун (верхушка) кўзхона тайёрлашда 3x3 мм квадрат бўлган тўртбурчак метални жўвалаб, қалинлиги 0,8 мм лентасимон қилиб пачоқланади. Узунлиги 2,5 см, энига 0,5 см қилиб қирқиб, эговлаб, текислаб олинади. Узукнинг устига мослаштириб букилади ва ички томони кавшар билан тўлдирилиб, кавшарланади. Оқартирилади, эговланади ва пардозланади.

Керакли асбоб-ускуналар

Қозоз, қалам, штангель чизгич, металл қаламча, кавиарлаши мосламаси, ингуст, тигель, қайчи, эгов, анка кабошан, темир ва текстолит болға, прокатка жўва, штангель, ригель, полировка мосламаси, гои паста ва ювии учун ишқорлар.

“Бочка” номли никоҳ узуги

1. Аёллар никоҳ узукларидан “Бочка” номли узукни тайёрлаш учун эритиб қўйилган металл ломбини жўвалаб, қалинлиги 0,7 мм қилиб пачоқланади ва узунлиги 6,3 см, энига 0,8 см ўлчамларда қирқиб олинади. Металл пластинкани икки ён томонларига тўғри чизиқлар чизиб қирқиб, эговлаб текисланади. Металл пластинка қиздириб, доира шаклида букилади ва учларини эговлаб, бир-бирига туташтириб кавшарланади. Узукнинг ички доира шаклини ригелга солиб текисланади, икки ён томонларини ва қирраларини эговлаб, бир хилда текисланади.

2. Узукни қиздириб, анкада (уриб бўрттирадиган мослама) уриб бўрттирилади. Уриб бўрттиришда узукнинг ён томон ўлчамига челаксимон мосламани ўлчамини мослаб қўйиб, секин айлантириб урилади. Уриб бўрттирилган узукни оқартириб, ён томонларини эговлаб текисланади.

3. Узукни устки қисмига кўзлар маҳкамлаш учун барг шаклидаги верхушка тайёрлаб олинади. Верхушкани тайёрлаш учун 3x3 мм квадрат тўртбурчак металл симни қалинлиги 0,8 мм ҳажмда жўвалаб, пачоқлаб олинади. Узунлиги 2 см, эни 0,5 см ҳажмда қирқиб, эговлаб текисланади. Металл пластинка қиздирилади ва устки қисмига барг чизмаси режалаб чизилади. Барг шаклини металл пластинкадан қирқиб олиниб, эговлаб текисланади. Барг шаклидаги верхушкани узукнинг устки қисмига мослаб, ригель ёрдамида букилади. Тайёр бўлган верхушкани флюслаб, ички томонини кавшар билан тўлдириб, узукнинг устига мослаб кавшарланади. Оқартирилиб, эговлаб текисланади ва пардозлаб ювилади.

Керакли асбоб-ускуналар

Қозоз, қалам, штангель чизгич ва металл қалам, кавиарлаши мосламаси, эритиб қўйили учун чапика ва ингуст, прокатка жўва, қайчи, эгов, ригель ва текстолит болға, анка, темир болға, бура борный ва кислота, вальц жўва, пардозлаши мосламаси, гои паста, ювии ишқорлари.

17. Оддий ва мураккаб усулда зираклар тайёрлаш

Оддий ва мураккаб усулда зираклар тайёрлаш асослари.

“Атиргул” номли зирак тайёрлаш

1. “Атиргул” номли зиракни тайёрлаш учун қуйиш йўли билан тайёрланган кўзхонага рантни 2x2 мм квадрат металл симни прокатка жўвадан қалинлиги 0,5 мм ҳажмда пачоқлаб, чиқарилади. Узунлиги 1,2 см ўлчаб, қирқилади ва дойра шаклида букиб, учларини текислаб, эговланади. Сўнг туташтириб,

кавшарланади. Доира шаклидаги рантни конус шаклини чиқарадиган анкада уриб, конус шаклига келтирилади. Рантни күзхонага туташадиган юзаси текислаб эговланади. Күзхонага рантни текис мүлжаллаб кавшарланади.

2. Байроқча тайёрлаш учун $1,8 \times 1,8$ мм квадрат металл симни прокатка жүвадан қалинлиги 0,6 мм ҳажмда пачоқлаб чиқарилади. 7 мм узунликтің үлчаб, қирқилади. Күзхонага бириктирилген рантни күзхона ариғига мүлжаллаб, байроқча ва тиргович үрнатыш учун арраланади. Арраланган оралиқта тайёрлаб олинган байроқчани жойлаштириб, кавшарланади, оқартирилади.

3. Қулоқбанд маҳкамланадиган тиргович тайёрлаш учун $1,8 \times 1,8$ мм квадрат металл симни прокатка жүвадан 1 мм қалинликта пачоқлаб, чиқарилади. 1 см узунликта үлчаб, икки дона қирқиб, рантнинг тиргович учун арралаб, очилган оралиғига жойлаштириш учун учлари эговланади. Рантта тирговични жойлаштириб, кавшарланади. Оқартирилади.

4. Қулоқбандни диаметри 1,2 мм бўлган металл симни 1,5 см қирқиб, рантдаги тирговичга жойлаштириб кавшарланади. Оқартирилади. Зираклар учун гайёрланган қулфларни байроқчага бириктириб, маҳкамланади.

Керакли асбоб-ускуналар

Қоғоз, қалам, чизгич, штангель, вальц ва прокатка жўвалар, кавшарлаш мосламаси, круглогубцик, плоскогубцик, эгов, сандон ва болга, лобзик арра, қайчи, филлер, пармалаш мосламаси.

“Феруза кўзли” зирак тайёрлаш

1. Феруза кўзли зиракни тайёрлашда қуйиш йўли билан тайёрланган кўзхонадан фойдаланилади. Кўзхонага байроқча тайёрлаш учун $1,8 \times 1,8$ мм квадрат бўлган металл симни прокатка жүвадан 0,6 мм қалинликта пачоқлаб чиқарилади. Узунлиги 7 мм үлчаб, қирқилади. Кўзхонанинг орқа қисми 0,5 мм қалинликдаги аррада арраланади ва шу арралангаи оралиқта байроқча жойлаштирилиб, кавшарланади.

2. Қулоқбандни $1,5 \times 1,5$ мм квадрат бўлган металл симни қиздириб, филлер ёрдамида диаметри 1,2 мм сим тайёрлаб олинади ва узунлиги 1,8 см қирқиб, бирма-бир кўзхоналарга кавшарланади.

3. Феруза кўзли зиракнинг қулф қисмини тайёрлаш учун вальц жўвадан 2×2 мм квадрат үлчамдаги квадрат металл симни чиқариб олиб, узунлиги 2 см үлчаб икки дона қирқилади. Ҳар бирини қиздириб, круглогубцикда бурчак шаклида бир хилда букилади. Болғалаб пачоқлаш учун мўлжалланган қисмини сандончада узунасига ва ён томонлама ёйиб, болғалаб пачоқланади. Ҳар бирини бир хилда пачоқлаганган сўнг темир қўл тискига эговлаб текислаш ва ошиқ-мошиқ қисмини арралаш учун қулай маҳкамланади. Икки ён томонидан эговлаб текисланади ва охирида тепа қисмини доира шаклида эговланади. Ошиқ-мошиқ қисмини 0,5 мм қалинликдаги аррада арраланади. Кўзхонага бириктирилган байроқча қисмига арраланган қулфни жойлаштириб, штифт учун 0,5 мм қалинликта пармалаб тешилади. 0,6 мм диаметрли штифт симни тешикдаи ўтказиб, маҳкамланади. Қулф қисмига мослаб, қулоқбандни доира шаклида букиб, үлчаб, қулф механизмини тайёрлаб, йигилади.

Керакли асбоб-ускуналар

Қоғоз, қалам, қайчи, чизгич, штангель, вальц ва прокатка жўвалар, кавшарлаш мосламаси, эгов, филлер, сандон ва болға, круглогубцик, лобзик арра, пармалаш мосламаси, плоскогубцик.

“Бодом” ярим петенли зираклар тайёрлаш

1. “Бодом” номли ярим патентли зиракни тайёрлаш учун қуиши йўли билан тайёрланган кўзхонадан фойдаланилади.

2. Металл ярим шарчани диаметри 1,2 мм, узунлиги 4 мм бўлган металл симларни эритиб тайёрлаб олиб, кўзхонага бириктириб, кавшарланади. Металл шарчани эговлаб, шаклини текислаб, диаметри 0,7 мм бўлган пармада тешилади. Тешикни юзасини диаметри 0,9 мм бўлган пармада номига кенгайтирилади.

3. Кўзхона учун ярим патентни тайёрлашда 2x2 мм квадрат бўлган металл симни вальцовка жўвадан чиқариб, узунлиги 1 см ўлчаб, икки дона қирқилади. Кўзхонага туташадиган учини бурчак шаклида эговланади. Иккинчи учини эговлаб, доира шаклига келтирилади. Сўнг ярим патентни кўзхонага бириктириб, кавшарланади. Доира шаклидаги учини 0,5 мм қалинликдаги аррада арраланади. Арралангандаги ярим патентни ички оралиғи бурчак шаклида бўлади.

4. Диаметри 1,2 мм бўлган металл симни узунлиги 3,5 см ҳажмда ўлчаб, икки дона қирқиб, учлари пачоқланади. Пачоқланган юзасини бурчак шаклда қирқиб, ярим патентнинг арралангандаги оралиғига жойлаштириб, маҳкамлаш учун диаметри 0,5 мм ҳажмда пармалаб, тешилади. Диаметри 0,6 мм бўлган симни тешикдан ўтказилади. Штифтни сиқиб, пачоқланади. Қулоқбандни сўроқ шаклида букиб, учларини эговлаб, кўзхонага бириктирилган ярим шарнинг тешигига мўлжаланади. Эговланган қулоқбанднинг учларини яхши қулфланиши учун илгак шаклида букилади. Оқартирилади ва пардозланади.

Керакли асбоб-ускуналар

Қоғоз, қалам, қайчи, чизгич ва штангель, вальц ва прокатка жўвалар, кавшарлаш мосламаси, бура борный, кислота, эгов, лобзик арра, пармалаш мосламаси, сандон ва болға, пардозлаш мосламаси, гои паста ва ишқорлар.

Марварид петилкали зиракларни тайёрлаш

1. Кўзхонани диаметри 0,6 см кабошан шаклида тайёрлаб олинади.

2. Қулоқбандни диаметри 0,8 мм металл симдан 3,5 см узунликда икки дона қирқиб олинади. Қулоқбандлар бирма-бир кўзхоналарга кавшарланади ва шарнирни (металл пластинкадан тайёрланган найча) сиқиб, ушлаб туриш учун букилади.

3. Шарнирни тайёрлаш учун 2,2x2,2 мм квадрат бўлган металл симни прокатка жўвадан қалинлиги 0,2 мм бўлган металл пластинкани пачоқлаб чиқарилади. Металл пластинкали лентани бир учини ён томонлари бурчак шаклида қирқиб, воронка шаклида букилади. Металл лентани букилган учини филлернинг диаметри 1,8x2,4 мм бўлган тешигидан бошлаб ўтказилади.

Қиздириб, филлердан диаметри 0,5x0,6 мм бўлгунича чиқарилади. Тайёр бўлган шарнирни бир учини аррада қирқиб, эговлаб текисланади ва узунлиги 3 мм дан икки дона арралаб қирқиб олинади.

4. Кўзхонанинг букилган қулоқбанд орасига шарнирни жойлаштириб, қистириб қўйилади ва шарнирни кўзхонага туташган жойидан кавшарланади.

5. Букилган қулоқбанд текисланиб, шарнир ичидан диаметри 0,5 мм бўлган металл симни ўтказиб, бурчак шаклида букиб, учларини эговлаб, бир-бирига бириктирилади ва кавшарланади. Оқартирилади ва қулоқбанднинг учларини кавшарланган штифтли бурчак учларини эговлаб, доира шаклида текисланади. Сўнг пардозланади, ювиб, қулоқбандни доира шаклида букиб, шарнирли қулф қисмига (петилкали) келтириб, қулфланиши учун учини бурчак шаклида букилади ва шарнирга жойлаштирилган бурчакли симни кийгазиб қўйилади.

Керакли асбоб-ускуналар

Қоғоз, қалам, қайчи, чизгич ва штангель, кавшарлаш мосламаси, круглогубцик, эгов, вальц ва прокатка жўва, филлер, лобзик appa, пардозлаш мосламаси, гои паста ва ювии учун ишқорлар, плоскогубцик.

18. Филиграм заргарлик буюмлари ва уларни тайёрлаш усули.

Филиграм ишлар ҳақида

Филиграм сўзи лотинчадан олинган. Қадимда кўпгина ҳунар усталари ўзларининг ижодий тасаввурларига табиатнинг (бутун борлиқнинг) аксини ўз асарларида намоён қилишга ҳаракат қилишгани бизгача етиб келган ҳунармандчилик намуналарига қараб биламиз. Миллий ҳунармандчилигимиздаги ижодий намуналарнинг рамзий атамалари ҳам табиатимиздаги атамалар билан боғлиқлигини кўрамиз. Шоҳ, навда, куртак, барг, гул, атиргул, лола гул, тож гул, мева, олма, анор ва гармдори, гул деган атамалар кўпдан-кўп учрашини ҳар бир ҳунарманд яхши билади. Қадимдан ривожланиб келаётган заргарлик санъатида ҳам табиатдаги ўсимлик дунёсини металларга тушириб турли туман безакларни пайдо қилиш урфга айланиб бизгача етиб келган. Заргарликдаги филигран йўналиши жуда мураккаб услублардан бўлиб, заргар устани икки томонлама ҳунарининг устаси бўлишида керакли тарбияни беради. Биринчиси, филиграм ишда жуда кўп ва майда нозик элементлар билан ишлашга туғри келгани учун устанинг сабрини ошириб, юрагини кенг қилишлиги ва дунёқарашини бойитади. Иккичиси, филиграм ишида жуда кўп ва майда нозик элементларни бир-бирларига кавшарлаш керак бўлгани учун, устанинг металларни бир-бирига кавшарлаш ишини пухта ва қоидали ўрганишга сабаб бўлади. Заргарликда филигран иши учта асосий қисмларга бўлинниб тайёрланади. Бунда; ободок қисми - бу қисм нақшинкор элементлар ёки геометрик шаклларда бўлиши билан бирга буюмнинг деворий шаклини белгилаб туради. Ажур қисми - бу қисм икки узун симларнинг бир-бирига арқонсимон қилиб зич ўралган ҳолда турли нақшинкор элементлар тайёрланган бўлади. Кўзхона қисми-бу қисм буюмга турли шаклдаги ва турли ўлчамдаги кўз ва тошларни маҳкамлашда хизмат қиласи.


Филиграм элементларни тайёрлашни ўрганиш учун бир нечта элементларни бирма-бир тайёрлаб қўлларни ўргатиб олиш керак бўлади. Тайёрлаб олинган элементларни бирма-бир кавшарлаб ҳар хил нақшинкор элементлар пайдо қилинади.

Нақшинкор элементли филиграм заргарлик буюмларини тайёрлаш учун шу қўрсатмаларга амал қилган ҳолда давом эттириб, малакаларингизни ошириб боришини тавсия қиласиз.

Филиграм заргарлик буюмларини тайёрлаш қоидалари

Эскиз ёки буюмларни чизиб олиш, устки айлана қисмини тайёрлаш, 1,2 мм диаметрли симлардан фойдаланиш, пачоқлаб чиқариш, иккита симни бир-бирига ўраш, 0,5 мм диаметрли сим чиқариш ва уни қиздириб, текислаб жимжимадор қилиб ўраш.

Филиграм (майда, нозик) зиракларни ясашдан олдин эскизни чизиб олиш керак. Аввал ишни устки айлана қисмини тайёрлашда 1,2 мм диаметрли симлардан фойдаланилади ва филлердан ўтказилиб, вальсдан пачоқлаб чиқариш керак. Ажурлар (иккита сим бир-бирига ўралгани) қисмини тайёрлаб филлердан 0,5 мм диаметрли сим чиқарилиб, уни қиздириб текисланади ва ажурли қилиб ўралади



Филиграм кулон тайёрлаш

1. Филиграм кулонни ободок қисмини тайёрлаш учун диаметри 1,2 мм бўлган металл симни прокатка жўвада қалинлиги 0,8 мм ҳажмда чиқарилади. Узунлиги 2 см қилиб қирқиб олинади. Икки учи бурчак қилиб эговланади ва белидан букиб томчи шаклига келтириб кавшарланади. Учунлиги 3,6 см бўлган металл симни учларини эговлаб, учидан бошлаб букиб, олма шаклида тайёрланади. Бир-бирига ва томчи шаклини тагидан туташтириб кавшарланади.

2. Диаметри 0,5 мм бўлган симни бир-бирига зич қилиб ўраб, 0,4 мм қилиб пачоқлаб ундан тўққизсимон ва томчисимон шаклни тайёрлаб жойлаштириб кавшарлаймиз.

3. Томчисимон ва олмасимон ободок қисмининг ичига 0,3 мм бўлган симни бир-бирига ўраб ундан филигран элементларини тайёрлаб жойлаштириб кавшарланади.

4. Диаметри 0,7 мм бўлган симни диамегри 2,2 мм бўлган спицага ўраб, қирқиб, текислаб ҳалқачалар тайёрлаб, кулоннинг белгиланган жойларига бирма-бир кавшарланади.

5. Металл шарчалар тайёрлаш учун диамегри 1 мм симни 4 мм дан қирқиб ёғоч досканинг устига териб бурадан сепиб эритамиз. Сўнг сувда совитилиб флюслаб, буюмнинг керакли жойларига кавшарланади.

6. Илгак қисмини тайёрлаш учун қалинлиги 0,6 мм узунлиги 2 см ва эни 0,5 см бўлган металл пластинкани устига томчи шакли режалаб чизилади ва икки дона томчи шаклини қирқиб эговлаб текисланади ва устма уст жойлаштириб кавшарланади. Томчисимон пластинкани орқасига букилган металл симни бириктириб кавшарланади.

7. Узунлиги 2,6 см ободок симнинг учини ҳалқача шаклида, иккинчи учини томчи шаклида букиб туташтириб кавшарланади. Филигран кулонни қисмларини йиғиб оқартирилади ва латун симли четкада пардозланади.

Керакли асбоб-усқуналар

Қозоз, қалам, чизгич ва штангель, прокатка жўва, қайчи, круглогубцик, кавиарлаш мосламаси, латун симли четка, пардозлаш мосламаси, ригель.

19. Заргарлик буюмларига бадий ишлов бериш.

Заргарлик буюмларига безак беришнинг охирги ишлари бадий ишлов бериш жараёни бўлиб, буларга: силлиқлаш, сайқаллаб ялтиратиш, кўзларни маҳкамлаш, ўйиб гул солиш (гравировка), уриб бўрттириб гул солиш (чеканка), эмалли қоплама юритиш, қорайтириш (чернилаш), оксидлаш ва гальваник қоплаш жараёнлари киради.

Силлиқлаш - заргарлик буюмларининг металл юза қисмлари-даги дағал ёки нотекис жойларни маҳсус асбоб-усқуналар ёрдамида керакли ўлчамларда силлиқлашга айтилади. Металл юзасидаги дағал эгов изларини майнин (бархатли) надфиллар ва шаберлар ёрдамида текисланиб силлиқланади.

Сайқаллаб ялтиратиш жараёни асосан заргарлик буюмлари силлиқланиб текислангандан сўнг амалга оширилади. Сайқаллаб ялтиратиш жараёнидан мақсад буюмнинг юзасини тиник ойнасимон ҳолда ялтиратишdir.

Күзларни маҳкамлаш заргарлик буюмларига бадиий безак беришда кенг фойдаланиб келинадиган ва безакли натижалари юқори бўлган жараёнлардан бири ҳисобланади.

Ўйиб гул солиш, қадимдан заргарлик буюмларига ўйиб гул солиб безаклар бериш билан шуғилланилган. Ўйиб гул солиш, металларнинг безакли юза қисмларига нақшинкор элементларни, чегарали чизиқларни ва доира шаклларини махсус штихеллар ёрдамида ўйиб безак беришга айтилади. Ўйиб гул солиш қўлда бажариладиган ва механизациялашган ҳолда бўлади. Металларга ўйиб гул солиш санъатини пухта ўрганиш учун кўп вақтни ва кўп машқни талаб қиласди. Ўрганишда энг кичик машғулотлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Масалан, тўғри чизиқлар, туташган чизиқлар, доира чизиқлар ва бурчакли чизиқларни мунтазам ўйиб чизиб туриш тавсия қилинади. Кўлда ўйиб гул солишида ишлатиладиган асбоб-ускуналарга ҳар-хил шакл ва ўлчамдаги штихеллар, махсус ёғоч тискилар, ўйиб гул солиши ёстиқчаси (кранец) ва металларни ёпиштириб маҳкамлаш учун сургичлар киради. Штихеллар чизиладигаи чизик ва шаклларга қараб танланилиб тез-тез чархланиб, ўткирлаб фойдаланилади.

Уриб бўртириб гул солиш (чеканлаш) деб хомакакига болға ва ҳар-хил шаклдаги пуансонлар ёки махсус штамплар ёрдамида бўртирилган тасвиirlарни ҳосил қилишга айтилади. Чеканлаш қўлда ва механизациялашган услубларда бажарилади. Кўлда чеканлаш жараёни хомаки металл пластинкани юзасига олдиндан чизиб олинган чизик, нақш ёки суратларни гулини шаклига қараб пуансонлар танланиб, улар ёрдамида уриб босим ўтказиш билан бўртирилади. Натижада металл пластинкани орқа юзасида бўртиб чиқсан маълум бир суратлар пайдо бўлади. Механизациялашган услубларда махсус штампли преслар ёрдамида бир хилда ва кўплаб чеканли штамповкали буюмларни ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Эмалли қоплама юритиши - заргарлик буюмларига безак бериш усууларидан биридир.

Эмал қоплама юритиши санъати қадимги Миср давридан маълум ва ҳар доим моҳир усталикни ва дидли маданиятни талаб қиласди. Заргарлик буюмларини юзаларида олдиндан тайёрлаб олинган деворли чуқур қисмларига керакли рангдаги эмалли аралашмани эритиб қуйиб тўлдирилади. Бунда эмалларни тайёрлаш технологиясини билиш зарур бўлади. Заргарлик буюмларини эмал юритиши учун тайёрлаб олиш технологиясини билиш зарур бўлади. ҳамда эмални кисточка ва махсус шпателлар ёрдамида буюмдаги деворли чуқурчалар тўлдирилади ва қуидирилади.

Эмалларни қуидириш жараёни муфель печларда керакли температураларни бошқариш билан амалга оширилади. Қуидириш вақти буюмларни ҳажми ва сонига қараб аниқланади. Баъзи ҳолларда эмал ойнадек ялтироқлигича қуидирилади.

Эмаллар турлари жуда кўп булиб уларни ҳар бирини тайёрлаш учун алоҳида ўзига хос рецептлардан фойдаланилади.

Қорайтириш (чернилаш) - заргарлик буюмларини безак билан ясаш усууларидан биридир. Қорайтириш жараёни моҳияти осон суюкландиган металлардан ясалган.

Буюмларни керакли жойларига қора ранг-черни юргизишdir. Черни билан олтин ва қумуш, мис, қоришимларидан тайёрланган буюмлар безалади. Черни кумуш, мис, қўрғошин, олтингугурт сульфидларининг қотишмасидир. Қўрғошинни қалай билан алмаштириб фойдаланиш мумкин ва унинг таркибига бура, аммоний хлорид, висмуд қотишмалари ҳам киритилади. Черни тайёрлашдаги таркибига, ранги ва ялтироқлилигига қараб фарқланади. Черни турлари жуда кўп бўлиб уларни ҳар бирини тайёрлаш учун алоҳида ўзига хос рецептлардан фойдаланилади.

Оксидлаш. Нодир металлардан ясалган заргарлик буюмларини занг босишдан сақлаш, ҳамда уларга чиройли кўриниш бериш мақсадида улар устида сунъий равишда оксид парда ҳосил қилишга оксидлаш дейилади. Оксидлаш икки хил усуlda ўтказилади: кимёвий ва электрокимёвий. Бунда рангли оксидлаш ва рангиз-пассивлаштириш усули билан фарқланади. Оксидлаш жараёнида ранглар ҳар хил тусларда бўлиб - кўк, қора, кулранг, оч-кулранг, оч-жигарранг, ғиштранг, сарик ва бошқалар. Оксидлаш учун ҳам маҳсус жадваллардан кенг фойдаланилади.

Гальваник қопламалар Бир металл юзасига иккинчи металлни электролид муҳитида ўтказиш - гальваник қопламалар ҳосил қилиш жараёни дегани. Заргарлик саноатида гальваник қопламалар сифатида олтин, кумуш, радий ва олтин қотишмалари ишлатилади.

Бундай қопламалардан асосий мақсад буюмга маълум бир безакни бериш ва уларни механик характеристикасини ортиришидир. Буюмларга олтин ва қумуш сувларини юргазиш қадимдан маълум. Ҳозирда ҳатто радиј сувини юргазиш қўлланила бошланди. Олтин қотишмаларидан қопламаларнинг таркибига никель, кобальт, мис, қумуш кабиларни киритиш заргарлик буюмларини ассортиментини кенгайишига ва уларни ташқи кўриниши яхшиланишига ҳамда хизмат қилиш муддати ортишига олиб келади.

Гальваник қоплаш жараёнида маҳсус ванналарда электродли зарядлар ёрдамида, кимё услубида суюқлаштирилган металл сувларни буюмларга қопланади. Бунда металл сувларни тайёрлаш ва электродли зарядлардан фойдаланиш рецептлари ва жадвалларидан кенг фойдаланилади.

20. Заргарлик буюмларига тошлардан ишлов бериш.

Заргарлик буюмларига тошлардан ишлов бериш усуулари

Кўлда ишланган узук зиракларга кўзни сувлаб, олмос эговда чархлаб кўзхонага ўрнатиш.

Заргарликда тошлар ва уларнинг тарифланиши

Заргарлик буюмларини тайёрлашда ишлатиладиган тошларнинг табийлилиги, қаттиқлиги, қирраланиши, товланиши, жилоланиши, рангининг тиниклиги ва шаффофлиги, нурни синдира олувчи, ноёблилиги ва кимёвий бардаошлилига қараб тартибланади. Табиатда учрайдиган тошларнинг

туркумлари қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва қимматбаҳо бўлмаган тартибда ажратилади. Шунга кўра заргарликда ишлатиладиган тошлардан фойдаланишда буюмларнинг қийматлари белгиланади.

Қимматбаҳо тошлар

Олмос – кристал кўринишда, графитдан ташкил топган. Олмос кучли жилоланади. Қаттиқлиги 10, зичлиги 3,5г/см квадрат. Нурни синдириш кўрсатгичи 2,46. Олмос кимёвий чидамли минаял тош ҳисобланади. Олмосдан заргарликда фойдаланишда унга қайта ишлов берилиб, шаклини ва кирраларини чиқарилади.

Олмосга кирраланиб ишлов берилган ҳолати бриллиант деб аталади. Тош кирралангандан сўнг, унда нурланиши ва жилоланиши ортади. Бриллиант массасини ўлчаш бирлиги карат ҳисобланади.

Олмослар гурухига кирадиган қимматбаҳо тошлардан:

Коҳинур – (тоғ нури) унчалик тиник бўлмаган, кирралари чиқарилганда 181,11 карат бўлган қимматбаҳо тош. Ҳозирда Амстердамда сақланади.

Шоҳ – оқ, сарик-жигарранг тусли олмос. Ҳиндистонда топилган, массаси 88,7 карат. Ҳозирда Россия Федерациясида сақланади.

Регент ҳам олмослар гурухига киради. Массаси 410 карат.

Куллинаи олмоси – (Африка юлдузи) массаси 3106 карат.

Экселсиёр – бу олмос олий сифатли бўлиб, оқ ҳаворанг тусли массаси 995,2 каратга teng.

Зумрад – (изумруд) тиник, қаттиқ, кимёвий бардошли, анча мўрт бўлган оч-яшил рангли тош. Зумрад ўзининг қимматбаҳолиги билан олмосдан кейин туроди. Зумрад тоши қадимдан заргарчиликда ишлатилиб келинган. Ҳозирда бриллиант тошлар билан бирга олтиндан тайёрланган буюмларга қўйилади.

Ёқут (рубин) – оч қизил, тўқ қизил, сафсар, қизил рангли бўлиб корунднинг кўринишига ўхшаб қаттиқлиги билан олмосдан кейинги ўринда туроди. Ёқут шарқ мамлакатлрида қадимдан қимматбаҳо тош сифатида саналиб келинган. Ҳозирда ёқутдан қимматбаҳо металлардан тайёрланган заргарлик буюмларини безашда ишлатилиб келинмоқда.

Сапфир (яхонт) – бу асл корунднинг кўк, ҳаворанг, яшил, сафсар, сарик, қўнғир, тиник рангдаги тош. Қаттиқлиги, зичлиги ва нурни синдириш бўйича ёқутдан фарқ қилмайди. Олтиндан тайёрланган заргарлик буюмларига безакли тош сифатида ишлатилади.

Александрит – Хризобернинг тиник кўриниши. Жуда ҳам чиройли, нур тушганда ўзини рангини ўзгартириши билан фарқ қиласи. Бу тошнинг хусусиятини, саҳарда яшил, кечқурун қизил деб таърифлашади. Александрит заргарликда олтиндан ва кумушдан тайёрланган буюмларга безакли тош сифатида фойдаланилади.

Ярим қимматбаҳо тошлар

Ярим қимматбаҳо тошлар ҳам заргарлик санъатида кенг фойдаланиб, баҳоланиш даражасига кўра олмос, зумрад, ёқут, сапфир ва александритдан кейинги ўринда туроди.

Tопаз – ўта зич, оғир (қаттиқлик жиҳатидан олмос, ёқут, сапфирдан) кейинги ўринда туради. Оқ, оч-хаворанг, яшил, кўқ, кўк-яшил, қўнғир-қизил, қизил-сафсар, олтинранг-сариқ, қизғиши-сариқ ранглардаги тош. Нур тушганда жилоланади, ялтироқлилиги, ҳаворанглилиги, қуёшнинг олтин рангига ва шудринг томчисини тиник жилоланишига қиёслаб таърифланади. Олтин ва кумуш буюмларга қўйилади.

Аквамарин – ўта тиник, кимёвий бардошли ва мўрт бўлган тош. Бу тош ҳаворанг, яшил-ҳаворанг, тўқ-кўқ ва денгиз суви рангига бўлиши билан бошқа тошлардан фарқланади. Нодир металлардан таёrlанган заргарлик буюмларга ишлатилади.

Тоғ биллури – рангсиз, кварцнинг рангсиз кўриниши. Заргарликда қадимдан ишлатилади. Нодир металлардан заргарлик буюмларини тайёрлашда ишлатилади.

Аметист – тиник ёки яrim тиник кварцнинг бир кўриниши бўлиб, оч қизил, ҳаворанг-сафсар, тўқ-сафсар ва ҳаттоқи қора рангда бўлиши мумкин. Аметист тошидан олтин кумуш ва олмос тошлардан қўшилиб ишланган буюмлар бирга қўлланилади.

Цитрин – лимон-сариқ рангдаги кварцнинг бир кўриниши. Тиник, унга ишлов берилганда ранг жиҳатидан худди топазга ўхшайди, лекин топаздан қаттиқлик, зичлик, турли рангларда бўлишилиги билан фарқ қиласди. Цитрин олтин ва кумушдан ясалган буюмларга қўйилади.

Опал – аморф, силиций оксиди. Бу қадимдан маълум бўлган заргарлик тоши. Опалнинг турлари кўп бўлиб улар асл опал – оқ, сариқ, ҳаворанг-сариқ ва қора рангда. Оддий опал сут каби оқ, кулранг, яшил ва олов рангларда бўлади. Бу тошлар кўпинча бриллиант тошлар билан бирга заргарлик буюмларига қўйилади.

Гиацинт – оғир, кимёвий бардошли, ўта ялтироқ ва тиник тош. Сариқ, тўқ-сариқ ва олтисимон-жигарранг, пушти, қизил ва жигарранг-қизил рангларда бўлади. Нодир металларга безаклар беришда фойдаланилади.

Феруза – энг чиройли заргарлик тошларидан бири. Тиник эмас, ҳаворанг яшил тусли, кўк-яшил, яшил олмаранг турлари мавжуд. Маржонлар тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

Корунд – минерал, алюминий оксиди. Бу тошни кўк-сариқ-кулранг, қизил, кўк-сапфир рангдаги турлари маълум. Кўпроқ унинг сунъий олинган тошлари заргарликда ишлатилади.

Булардан ташқари яrim қимматбаҳо тошларга қахолонг, турмалин, шпинель, хризолит, авантюрин, халцедон, хризопраз, пироп, альмандин ва уваровит номли тошлар киради.

Қимматбаҳо бўлмаган тошлар

Буларга яrim тиник, баъзида тиник бўлмаган минерал тоғ жинслари киради. Бундай тошлардан заргарлик буюмларини безашда ҳатто катта вазалар, панно ва бошқа буюмларни тайёрлашда ишлатилади.

Агат – қаватли тузилишига эга, халцедоннинг бир тури бўлиб, ҳар хил ранглар билан жилоланади. Ялтираши мумсимон ва тинқ бўлмаган агатни

халқасимон, пейзажли ва йўл-йўл турлари маълум. Қаватини жойлашишига қараб кулранг, ҳаворанг, оқ, қизил, сариқ, қўнғир, қора ва бошқача бўлиши мумкин. Қимматбаҳо ва қимматбаҳо бўлмаган металлардан тайёрланган заргарлик буюмларига безак беришда ишлатилади.

Лазурит – ҳаворанг тош, тиник эмас, шишага ўхшаш хира ялтироқ жисм. Ранги оч ҳаворанг, яшил-тўқ, тўқ-кўқ, сафсар-кўқ бўлади. Кумушдан ишланган заргарлик буюмларига ва алоҳида маржон, кулон ва браслетлар тайёрлашда ишлатилади.

Малахит – ўзида сув тутган миснинг карбонат тузи. Бу тош яраклаган, ширали ва яшил нозик ипак рангидан бўлади. Тиник эмас, мўрт. Мустақил ҳолда кумуш, баъзи ҳолларда олтин билан биргаликда маржон, билакузук, брошка, сирға, кулон ва узуклар тайёрлашда ишлатилади.

Жадеит – пиролен гурухига тааллуқли минерал. Оқ, кулранг, яшил, тўқ зумрад, яшил, сафсар, кўқ рангли тошлари маълум. Узок вақтлар давомида заргарлар уни ташқи белгисига қараб нефритдан ажратада олмаганлар. Кўп ҳолларда жадеитдан маржон, билакузук, узук, сирға, кулон ва брошқалар тайёрланади.

Нефрит – ўта пишиқ, яхши нур ўтказадиган, озгина ялтироқликка эга тош. Яшил, олма ва яшил ўт рангли, яшил ва сариқ-оқиши рангли тошлари маълум. Худди жадетга ўхшаб ишлатилади.

Сердолик – халцедоннинг қизил-жигарранг бир тури. Тиник ва тиник бўлмаган қирралари бор. Оч-пушти, сариқ, сариқ-қизил, қизил, қизғиши, тўқ жигарранг турлари мълум. Заргарлик зеб-зийнатларига қўйилади. Баъзида маржонлар тайёрланади.

Родонит – оч қизил, малина рангли ва пушти тошлари учрайди. Тиник эмас, кўқ рангли, яхши силлиқланади, осон ишлов берилади. Заргарликда олтин ва кумушдан ясалган зеб-зийнат буюмлрига қўйилади. Ундан маржон, узук, брошка, билакузук ва кулонлар тайёрланади

Амазонит – оч-яшил ёки ҳаворанг-яшил бўлган тиник бўлмаган тош. Маржон, билакузук, узклар тайёрлашда фойдаланади.

Яшма – халцедон ва кварц бирикмаси. Тиник эмас, кўқ рангли тош. Унинг қизил, қизил-қўнғир, жигарранг, сариқ, пушти, сафсар, қора, яшил, кулранг, оқ рангли тошлари бўлиб, кумуш ва нодир бўлмаган металлардан ясалган буюмларга қўйилади.

Органик тошлар

Организмларнинг ҳаётий фаолияти билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлган тошлар. Масалан, марварид органик тош деб аталади.

Марварид – кальций карбонатдан ҳосил бўлган қаттиқ, юмалоқ ёки бошқа шаклдаги тошдир. Ярим тиник, мўрт, исиққа чидамсиз. Ранги оқиши-сарғиши ёки ҳаворанг тусли бўлади. Шу билан биргаликда у сариқ, кулранг, оч пушти, қизғиши, қора, оч-яшил, оч-ҳаворанг рангларда бўлиши мумкин. Марварид қадим замонлардан қимматбаҳо зеб-зийнат ҳисобланган. У икки турга бўлинади табиий ва денгизда ўстирилган. Буларни фарқини факат рентген

нурлари орқалигина фарқлаш мумкин. Марвариддан маржон ва шода таёргланади. Бриллиант билан биргаликда узук, сирға, брошка, колея ва бошқа зеб-зийнат буюмларига қўйилади. Марваридни баъзилар “дур” деб ҳам аташади.

Қаҳрабо (янтар) – тиник, баъзи ҳолларда ярим тиник, тошга айланган смолосимон аморф тузилишига эга бўлган модда. Унинг таркибида ҳар хил моддалар бўлиши мумкин. Қум зарралари, дараҳт барги парчалари, гул япроқлари ва ҳашоротлар каби. Яхши силлиқланади. Оч-сариқдан то қизил-жигаррангача мустақил ҳолда ишлатилади. Шу билан биргаликда у заргарлик саноатини ҳамма соҳасида олтин, кумуш ва нодир бўлмаган металлардан зеб-зийнатлар тайёрлашда муҳим ўринни эгаллайди.

Коралл – денгиздаги умуртқасиз ҳайвонларининг скелети. Тиник эмас мумсимон ялтироқ, анча мўрт (марварид ва қаҳрабога нисбатан). Корал оқ, пушти, қизил, тўқ-сариқ, тўқ-қизил, қора рангда бўлиши ҳам мумкин. Пушти кораллар қимматбаҳо ҳисобланади. Коралл мустақил ҳолда ва металлар билан биргаликда зеб-зийнатлар тайёрлашда ишлатилади.

Перламутр – моллюска чиғаноқларининг ички қаватининг моддаси. Перламутр сирға, запонкалар, узук, колея ва брошкалар тайёрлашда ишлатилади.

21. Замонавий каталоглардан танланган заргарлик буюмларини ясаш.

Замонавий каталоглардан танланган заргарлик буюмларини ясаш.

Замонавий каталогдан танланган узук ва зираклар ясаш.


Каталогдан танланган узук ва зиракларнинг қолипини олиб, ясаладиган буюмнинг микдори (грамм) аниқланади. Қуйилган узук ва зираклар отбел қилиниб (оқартириш), уларга ишлов берилади ва размерга келтирилади ҳамда зиракларнинг устки қисми кавшарланади.

Заргарлиқда турли безаклар, соч попук, билакузук, тиллақош, тумор, баргак, зебигардон, ҳалқа, гажак каби заргарлик буюмларини ясашда тилла, кумуш, ҳар-хил қотишмалар, бронза, чақмоқ тош ва рангли тошлар, холщедон, фируза, ақиқ, сафсар, ёқут янтар, марварид, дурлар ишлатилади.


22. Кўргазма.

Тўғарак аъзолари томонидан тайёрланган заргарлик маҳсулотлари кўргазмаси.


Эркаклар никоҳ узугини тайёрлаш




“Чарма” номли аёллар никоҳ узуги




“Бочка” номли аёллар никоҳ узуги






“Феруза күзли” зирак тайёrlаш




“Бодом” ярим пetenли зираклар тайёрлаш


I.



Марварид петилкали зиракларни тайёрлаш



Филиграм кулон тайёрлаш



“Заргарлик” түгарагининг иккинчи ўқув йилига мүлжалланган ўқув қўлланмаси

1.Кириш.

Ҳар бир ҳунарнинг келиб чиқиш ва ривожланиш даврининг ўз тарихи бўлганидек, заргарлик ҳунарининг ҳам тарихи бўлиб, у узоқ ўтмишга бориб тақалади. Дарҳакиқат турли йўналишдаги ҳунарларнинг келиб чиқиши ёки инсонларнинг орасида пайдо бўлиб, тез тарқалишининг асосий сабаблари одамлар, қабилалар ва ҳалқларнинг кундалик турмушида вужудга келган эҳтиёжларни қондириб яшаганликлариdir.

Жумладан, темирчиликда қурол-яроғ ва дехқончилик анжомларини тайёрлаш учун, косибчилик тоғу тошлардан ва об-ҳавонинг иссиқ ҳамда совуқ қунларидан сақланиш учун, кулолчилик эса, уй рўзгор учун керак бўладиган идиш-товоқларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун бу касб турлари пайдо бўла бошлаган. Вақт ўтиши билан яшаш шароитининг яхшиланиши натижасида ҳалқ амалий санъати турлари пайдо бўла бошлаган. Бошқа ҳунарлардан четда қолмаган ҳолда зеб-зийнат санъати бўлмиш заргарлик санъати ҳам ривожлана бошлади.

2. Заргарликда ишлатиладиган материаллар ва буюмлар ҳақида маълумот.

Заргарликда ишлатиладиган материаллар тилла, кумуш, ҳар-хил қотишмалар, бронза, чақмоқ тош ва рангли тошлар, холцедон, фируза, ақиқ, сафсар, ёқут янтар, марварид, дурлар ҳақида ва турли безаклар, соч попук, билакузук, тиллақош, тумор, баргак, зебигардон, ҳалқа, гажак каби заргарлик буюмлари ҳақида маълумот берилади.

Заргарликда металларни ишлатишдан олдин молекуляр ҳолатини билиш керак. Металл совуқда зичлиги ортишини ва металлга кавшарлаш аппаратида термик ишлов берилса металлнинг молекулалари кенгайиши ҳисобига металл юмшоқ ҳолатга келиши ва у осон ҳар шаклга кириш тушунтирилади.

3. Оддий металлдан гажак тайёрлаш.

Гажак бу 2-хил симни кавшарлаш мосламасида қиздирилиб, симлар бир-бирига ўралиб тўқимали симлар яъни ажур сим тайёр бўлади. Гажакнинг устки қисмини тайёрлаётганда вальсдан 12x12 смли квадрат сим чиқарилиб, устки қисмини вальсда пачоқлаб, риглга солиб, думалоқ қилиб букилади ва круглида охирги қисмини тўғрилаб, букилади.

Олма, овал фигуralарига келтирилади ва пластинкага қўйиб кавшарлаб, эговланади ва гажакнинг устки қисмига кавшарланади. Гажакнинг шакилдоқларини ясашда филлердан 0,8 мм сим чиқариб, 0,4 мм ригелга ўраб, битта-биттадан лобзик аррада кесиб чиқиб, ҳалқаларнинг орасига тиқиб чиқилади. Ҳалқачаларни кавшарлаб омбирда тўғрилаб чиқиб, ҳалқаларга тиқиб чиқилади. Гажакни латун чўткани сувлаб ишқаланади ва кўзхоналарга мармарит ва фируза тошлар маҳкамланади. Қулф қисми айри ҳолатда бўлиб,

эгилади ва пардозланади. Пардозлангач иссиқ сувда чүтка билан тозалаб ювилади.



4. Оддий металдан зебигардон тайёрлаш.

Филлердан 12 мм ли сим чиқарилиб, устки қисмлари, думалоқ, овал, гажак қисмларини тайёрлаш, ва яна 2 та 0,3 мм ли симни ажур қилиб кавшарлаб ўраш ва ҳар-хил шаклларга келтириш катта ва кичкина томчилар, қовун, доира, катта ва кичкина күзхоналар ва уларни бир-бирига түқилган занжирларни ушлаб турадиган халқалар ва ички қисмидаги күзхоналар ва ички гажак, яни ажур симли түқималар ва катта занжир қисмлар керак бўлади.

Буларни тайёрлашда ўлчамларни тўғри олиш ва фигуralарни эскизга қараб режалаб букиш, кавшарлаш давомида қоидаларига риоя қилиш талаб қилинади.

Қулф қисмларини тайёрлаш валсдан 12x12 мм ли сим чиқариб, вальсни пачоқланадиган жойидан 0,7 мм қилиб пачоқлаб, кавшарлаб сўнг сандончага қўйиб, ёғоч болғада текислаб, сўроқ шаклига келтириб, халқачага улаб чиқиш керак. Зебигардонни йиғгандан сўнг уни кислота солинган колбага солиб, оловда қайнатилади ва кислотадан олиб тозалаб, сувда чайиб, латун симли чўткада ишқалаб, тозалаб чиқилади ва пардозланади.



5. Мисдан ясаладиган буюмлар түғрисида маълумот.

Никоҳ узуклари, мураккаб ва содда услубда ясалган узук-зираклар, билакузуклар, сандиқчалар, шкатулкалар, тўноғичлар мисдан ясаладиган буюмлар турларига кириши ҳақида маълумот берилади.

Мис пластинкани режа асосида кесиб олиш, уни қиздириб думалоқ шаклга келтириш, кавшарлаш ва параллел қилиб эговлаб, кавшарлаш

Никоҳ узуги ва кулон тайёрлашда қўйидагиларга амал қилинади:

а) металл пластинка режа асосида кесиб олиниб, уни қиздириб ригл (думалоқ шаклга келтириш учун) солиб, думалоқ шаклга келтирилиб, кавшарланади ва параллел қилиб эговлаб, кавшарланади.

б) пайванд қилинган аёллар никоҳ узугининг кўзхонаси қисмини ясаш учун металл ўлчов асосида кесилади.

6. Мисдан билакузук ясаш.

Мисдан билакузук ясаш, мисдан ясалган билакузук түғрисида маълумот бериб, мисга ишлов бериш, мисни тозалаш ва эритиш, мисни ингичка симлар ва ўрамлар шаклига келтириш, ўралган симлардан нақшлар ясаш, ясалган нақшларни билакузук қолипига қўйиш, уларни иссиқ олов орқали пайвандлаш, билакузукни рангига келтириш, пардозлаш ҳамда билакузукни турли тошлар билан безаш ишлари қандай амалга оширилиши тушунтирилади.



7. Тилла буюмлар ва улардан ясаладиган безаклар түғрисида.

Мисдан ва тилладан ясалган буюмларнинг бир-биридан фарқи, тилла ва мис буюмларига бериладиган безакларнинг фарқи, мис ва тилла буюмларга ишлатиладиган нақш элементлари, мис ва тилла тақинчоқларнинг хусусиятлари түғрисида маълумот берилади.

8. Тилла узук тайёрлаш.

Тилла узук тайёрлаш учун тиллага ишлов бериш, тиллани тозалаш ва эритищ, ингичка ва ўрама шаклига келтириш ўралган симларга нақшлар ясаш, ясалган нақшларни узук қолипига тушириш ва уларни пайвандлаш ҳамда узукни рангиға келтириб безаш ишлари тартиби тушунтирилади.

Узуклар тайёрлаш

Узук -А

1. “Ягодка” номли узукни тайёрлаш учун $2,5 \times 2,5$ мм квадрат бўлган металл симни прокатка жўгадан қалинлиги 0,9 мм қилиб ўтказилади. Металл пластинкадан узунлиги 2,5 смдан бир дона, 1,5 смдан бир дона қирқиб, учларини эговлаб текисланади. Қиздириб, доира шаклида букилиб, учларини бир-бирига зич ҳолда туташтириб кавшарланади. Диаметри 1,2 мм ва 0,8 мм бўлган конус анкада бирма-бир уриб, конус шаклига келтирилади, сўнг устки ва таг қисмларини эговлаб текисланади.

2. Юзаси $1,5 \times 1,5$ см квадрат бўлган қалинлиги 1 мм бўлган металл пластинкани қиздириб, кабошан анкада уриб номига бўрттирилади ва катта рант қисмининг устига мослаб қирқиб жойлаштириб кавшарланади. Устки юза қисмини режалаб марказидан 3 мм бўлган пармада тешилади ва учбурчакли эгов билан айланма ён томонларини бирма-бир эговланади. Эговлаб ажратилган қисмларини тагидан бошлаб лобзик арра билан арралаб ариқча шаклини очиб чиқилади. Эговлаб текисланади.

3. Катта рант қисмининг тагига кичик рант қисмини жойлашти-риб кавшарланади. Кўзхонанинг устки қисмига тирноқлар кавшарлаш учун 0,5 мм қалинликдаги арра билан арралаб олинади. Арраланган оралиқларга қалинлиги 0,6 мм, энига 3 мм бўлган металл лентани бирма-бир жойлаштириб кавшарланади. Ярим доира шаклидаги эгов билан тирноқларни юзасидан тепага қараб эговланади. Юза қисмининг кўзлар маҳкамлаш учун ажратилган қисмларини 1 мм бўлган пармада тешилади. Кўзхона учун тайёрланган шинкани кўзхонага бирикадиган қисмини эговлаб текисланади. Ўтга чидамли кавшарлаш учун бўлган мослама тагликни кўзхона тирноқлари билан яхши жойлашиши учун мос тешик тайёрланади. Шинкани кўзхонага мослаб жойлаштириб, қисқич ёрдамида маҳкамлаб кавшарланади. Пардозлаб ювилади.

Керакли асбоб-ускуналар

Қоғоз, қалам, чизгич ва штангель, прокатка жўва, кавшарлаш мосламаси, қайчи, эгов, круглогубцик, конусли анка мосламаси, кабошан анка, пармалаш мосламаси, лобзик арра, ўтга чидамли таглик, қисқич, пардозлаш мосламаси.

Узук - Б

1. Режадаги узукни тайёрлаш учун олдиндан тайёрлаб олинган кўзхонани олдиндан тайёрлаб олинган шиникага жойлаш тирилиб шинканинг ички ранга туташган қисми кавшарланади. Кавшарлашда узук флюсланади ва кўзхона қисмини ўтга чидамли ғиштнинг устига жойлаштириб, рантнинг орқа томонидан кавшарланади.

2. Узукнинг ён томонларига ромбик элементини (рибка) тайёрлаш учун $2,2 \times 2,2$ мм квадрат металл симни қалинлиги 0,8 мм ҳажмда прокатка жўва билан пачоқланади. Узунлиги 2 см ҳажмда қирқиб юза қисмига ромбик элементи режаланади ва қирқиб этовланади. Тайёр бўлган ромбик элементини орқа қисмини икки учини кавшарлаб, узукнинг шинка юзасидан кўзхонага туташтириб кавшарланади. Кислота ёрдамида оқартирилади. Сўнг пардозланиб, ювилади ва кўз маҳкамланади.

Узук - В

1. Режадаги узукни тайёрлаш учун олдиндан тайёрлаб олинган кўзхонани 3 донасини бурчак шаклида бир-бирига туташтириб кавшарланади. Кўзхоналарни бир-бирига туташтиришда кўзхона тирнокларини жойлашишига эътибор берилади.

2. Олдиндан тайёрлаб олинган шинкани устки қисмини юзасига бир дона кўзхона жойлаштириб кавшарланади.

3. Узукнинг устки юзасининг бурчакли қисмига, бир-бирига бурчак шаклида бирлаштириб, кавшарланган кўзхоналарни жойлаштириб кавшарланади. Кислота ёрдамида оқартирилади. Пардозланади ва ювилади. Кўзхоналарга кўзлар маҳкамланади.

Керакли асбоб-ускуналар

Қоғоз, қалам, чизгич ва штангель, бура ва борный, прокатка жўва, қайчи, эгов. кавшарлаш мосламаси, кислоталар, пардозлаш мосламаси.

Узук - Г

1. Узукнинг кўзхона қисмини тайёрлаш учун 5×5 мм квадрат бўлган металлни прокатка жўвадан қалинлиги 0,7 мм, узунлиги 3 см, энига 1 см ҳажмда пластинка чиқариб юзасига баргсимон шаклини режалаб, лобзик ёрдамида арралаб текислаб олинади.

2. Томонлари $1,5 \times 1,5$ мм квадрат бўлган металл симни прокатка жўвада қалинлиги 0,8 мм ҳажмда пачоқлаб олинади ва 6,4 см узунликда қирқиб, марказини бегиланади. Икки учини ва марказ қисмини бурчак шаклида эговланади. Баргсимон шаклида букиб, учларини туташтириб кавшарланади. Икки учининг юзасига бирма-бир тирговичларни жойлаштириб кавшарланади. Тирговичларни бўйларини 0,5 мм узунликда текис қирқиб, эговланади ва устки қисмига баргсимон шаклидаги пластинкани жойлаштириб кавшарланади.

3. Икки ён қисмига баргли элементини тайёрлаш учун томонлари $3,5 \times 3,5$ мм квадрат бўлган металлни прокатка жўвада қалинлиги 0,5 мм, узунлиги 3,2 смдан икки дона металл пластинка чиқариб олинади. Металл пластинкаларни юзаларига барг шаклидаги элементни режалаб, лобзик ёрдамида арралаб олинади. Барг элементи эговлаб текисланади ва ҳар бир бурчак қисмларига металл шарчалардан бирма-бир жойлаштириб кавшарланади. Барг элементини юзасига ўйиб гул солиш учун сургичга ёпишириб, маҳкамланади ва ўйиб гул солиб безак берилади. Узунлиги 1 см, энига 0,5 см қалинлиги 0,5 мм бўлган металл пластинкага устки кўзхона шаклини режалаб қирқиб тайёрлаб олинади.

4. Тайёрлаб олинган қисмларни йиғиб жойлаштирилиб кавшарланади ва баргсимон шаклидаги кўзхонани олдиндан тайёрлаб олинган шинкага жойлаштириб кавшарланади. Кислота ёрдамида оқартириб пардозланади ва ювилади.

Керакли асбоб-ускуналар

Қозоз, қалам, чизгич ва штангель, прокатка жүва, эгов, лобзик appa, қайчи, бурчаклы эгов, кавшарлаши мосламаси, штихеллар, кислота ва пардозлаши мосламаси.

Узук-Д


1. Узукнинг кўзхонасини тайёрлаш учун томонлари $1,5 \times 1,5$ мм квадрат бўлган металл симни прокатка жўвада қалинлиги 0,8 мм ҳажмда пачоқланади. Лентали пластинкани квадрат шаклида букиш учун қиздириб узунлиги 4,8 см ҳажмда қирқилади ва режаланади. Букиш учун бурчак қилиб эговланади ва букиб кавшарланади. Тўғри бурчакли кўзхонанинг тагига пластинкани кавшарлаш учун қалинлиги 0,5 мм бўлган металл пластинкани юасини ва кўзхона таг қисмини эговлаб текисланади сўнг кавшарланади. Кўзхона атрофлари қирқилади ва эговлаб текисланади. Кўзхона таг қисмининг икки четига кавшар жойлаштирилади ва флюсланади.

2. Олдиндан тайёрлаб олинган шинкага тайёр бўлган кўзхонани жойлаштириб узун ингичка сим билан ўраб бириттирилади ва флюслаб кавшарланади.


3. Узукнинг ён томонларига баргсимон элементини (рибка) тайёрлаш учун $2,5 \times 2,5$ мм квадрат бўлган металл симни қалинлиги 0,6 мм ҳажмда прокатка жўва билан пачоқланади. Узунлиги 2,2 см ҳажмда қирқиб юза қисмига баргсимон элементини режаланади ва қирқиб эговланади. Тайёр бўлган баргсимон элементини орка қисмини икки учини кавшарлаб, узукнинг шинка юасидан кўзхонага туташтириб кавшарланади. Баргсимон (рибка) элементни узукка бириттириб кавшарлаш учун узукни флюслаб ўтга чпдамли ғиштга расмда кўрсатилгандек жойлаштирилади ва баргсимон элементини узук билан кўзхонага туташтириб кавшарланади. Кислота ёрдамида окартирилади. Сўнг пардозланади ва ювилади.

Керакли асбоб-ускуналар

Қозоз, қалам, чизгич ва штангель, прокатка жүва, қайчи, плоскогублик, бурчаклы эгов, кавшарлаши мосламаси, пардозлаши мосламаси.




Үзүк - В



Үзүк - В






Узук -Д

1.

Режалаб белгілаш



2.



3.




Фойдаланилган адабиётлар


1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.-Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И.А. Ватан саждаоҳ каби муқаддасдир: Маъruzalар, нутқлар, сұхбатлар. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас күч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Булатов С. Ўзбек халқ амалий санъат безаги. Т.: “Меҳнат”. 1991.
5. Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 март “Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 69-сонли буйруғи.
6. Маҳкамов Ш. Заргарлик харитаси. Т.: Ўз.Р “Фан” нашриёти. 2007.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури тўғрисида”ги Қонунлари // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ матбаа - нашриёти, 1997
8. Ўзбек коллекция каталоглари. Тошкент 2005

Электрон манбалар:


9. “Ziyonet”.uz
10. <http://diamant.kiev.ua//jewelri>
11. <http://www.magicgold.ru/catalog>
- 12 . <http://www.bestwatch.ru/jew.phtml>
- 13 Barkamol.uz



Калитбоғи – күккакқа тақиладиган
зийнат буюм XIX аср охири



Зулфизар (бодомий). XIX аср охири –
XX аср бошлари



Тождўзи. XIX аср охири – XX аср
бошлари. Кумуш, зарҳал, маржон,
феруза



Сирға. XIX аср охири – XX аср бошлари.

Күмүш, зарҳал, маржон, феруза



Шокила. XIX аср охири – XX аср бошлари.

Күмүш, зарҳал, маржон, феруза, рангли шиша

Мундарижа

“Заргарлик” тўгарагининг иккинчи ўқув йили учун ўқув қўлланмаси	3
Кириш	3
Заргарликда фойдаланиладиган иш қуроллари	6
Заргарлик санъати ва ҳозирги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган заргарлик буюмлари	12
Марказий Осиёдаги қадимги тарихий заргарлик буюмлари ва уларнинг ҳозирги кундаги заргарлик буюмларидан фарқи	13
Режалаштириш ишлари ва заргарлик иш қуролларидан тўғри фойдаланиш	13
Заргарлик ҳунарига оид 10 хил турдаги чизмаларни чизишни ўргатиш.....	16
Металлар билан ишлаш, уларга ишлов бериш. Металларни эговлаш, лобзик ёрдамида арралаш	16
Металларни букиш ва тўғирлаш.	19
Металларни эритиш, қувиш, кавшарлаш	20
Кавшарлаш ишлари.....	22
Заргарлик буюмларини тайёрлаш	25
Кулонлар тайёрлаш	26
Эркаклар никоҳ узугини тайёрлаш	28
Аёллар никоҳ узуги ва кулонлар тайёрлаш.....	28
Оддий ва мураккаб усулда зираклар тайёрлаш	29
Филлиграм заргарлик буюмлари ва уларни тайёрлаш усули.....	32
Заргарлик буюмларига бадиий ишлов бериш.....	34
Заргарлик буюмларига тошлардан ишлов бериш.....	36
Замонавий каталоглардан танланган заргарлик буюмларини ясаш.....	40
Кўргазма	40
“Заргарлик” тўгарагининг иккинчи ўқув йили учун ўқув қўлланмаси	49
Кириш	49

Заргарликда ишлатылған материаллар ва буюмлар ҳақида	
маълумот	49
Оддий металдан гажак тайёрлаш	49
Оддий металдан зебигардон тайёрлаш	50
Мисдан ясаладын буюмлар түғрисида маълумот	51
Мисдан билакузук ясаш	51
Тилла буюмлар ва улардан ясаладын безаклар түғрисида	51
Тилла узук тайёрлаш.....	52
Фойдаланилған адабиётлар	59